Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 248 (6. 737) ◉ 1988 йил 29 октябрь, шанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Комсомоллар! Йигит ва қизлар! Буюк Ленин меросини ўрганингиз, жамиятни революцион янгилаш учун фаол курашчиларнинг биринчи сафларида бўлингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ВЛКСМнинг 70 йиллиги муносабати билан Бутуниттифоқ Лениничи Коммунистик Ёшлар Союзига йўллаган табриғи, ўртоқ М. С. Горбачевнинг МПЛА — Меҳнат партиясининг Раиси, Ангола Президенти Жозе Эдуарду душ Сантуш билан учрашуви ҳақида расмий хабар, шунингдек ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси сўнгги иш куни ҳақида ҳисобот ҳамда сессияда қабул қилинган қонунлар ва қарорлар эълон қилинган.

● СССР билан АҚШ ўртасида ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисидаги муддатсиз Шартномага доир Совет ҳукуматининг баёноти берилган.

● Бугун Совет Иттифоқида кўп маротаба фойдаланиладиган «Буран» космик кемаси биринчи марта космосга учирилади. «Известия» газетасининг саккизинчи саҳифасида «Старт арафасида» сарлавҳали мақоласида ана шу ҳақда ҳикоя қилинади.

СССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

27 октябрь куни Москвада ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Соат 15 да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида **Иттифоқ Советининг** биринчи мажлиси очилди. Иттифоқ Советининг Раиси **Ю. Н. Христораднов** раислик қилди.

Депутатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб вафот этган депутатлар Г. С. Золотухин, С. А. Лосев, В. Н. Полецков, А. И. Портнованинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани тўғрисида, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида, СССРнинг 1989 йилги Давлат бюджети тўғрисида ҳамда СССР 1987 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларнинг қўшимча доклади билан План-бюджет комиссиясининг раиси **Б. В. Качура** сўзга чиқди.

Мазкур масалалар юзасидан музокараларда депутатлар **Ф. А. Табеев, В. П. Фокин, В. А. Дягель, С. В. Колпаков, В. А. Лунев, Б. А. Журавлев, В. А. Купцов, Б. П. Видяев, О. Е. Черкезия** сўзга чиқдилар.

* * *

1988 йил 28 октябрь куни Москвада СССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Эрталаб соат 10 да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида **Миллатлар Советининг** биринчи мажлиси очилди. Палата Раиси **А. Э. Восс** раислик қилди.

Залда ҳозир бўлганлар ўринларидан туриб вафот этган депутат В. П. Мироновнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани тўғрисида, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида, СССРнинг 1989 йилги Давлат бюджети тўғрисида ҳамда СССР 1987 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларнинг қўшимча доклади билан План-бюджет комиссиясининг раиси **Н. И. Масленников** сўзга чиқди.

Мазкур масалалар юзасидан музокараларда депутатлар **М. В. Ковалев, Г. Г. Бедарева, В. П. Анишчев, И. М. Биллов, В. А. Динков, М. А. Цискаришвили, И. П. Кубилюс, В. А. Проценко, С. Н. Елаев, Э. А. Паап, С. В. Башилов** сўзга чиқдилар.

* * *

Соат 14 да Катта Кремль саройида **Иттифоқ Советининг** иккинчи мажлиси очилди. Палата Раиси **Ю. Н. Христораднов** раислик қилди.

Сессия кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди. Музокараларда депутатлар **Қ. Салиқов, Е. Ф. Башмаков, В. П. Кучина, А. А. Логунов, А. В. Карпов,** СССР Маданият министри **В. Г. Захаров, М. Ю. Юсупов, В. И. Тимочкин, Н. А. Полознов, Л. В. Шарин** сўзга чиқдилар.

СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида **Миллатлар Советининг** иккинчи мажлиси очилди. Палата Раиси **А. Э. Восс** раислик қилди.

Кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масалаларни муҳокама қилишда депутатлар **А. К. Зитманис, З. Маматов, К. Г. Мартиросян, Т. Мирхолиқов, В. А. Фаустов, Қ. А. Аббосов, С. М. Нестеренко, Г. С. Рибакова, Е. А. Елисеев, А. С. Куленов** қатнашдилар.

Шу билан Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети сессия кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масалаларни муҳокама қилишни тугалладилар.

* * *

Соат 17 да Катта Кремль саройида **Иттифоқ Совети** ва **Миллатлар Советининг** иккинчи қўшма мажлиси очилди. Иттифоқ Советининг Раиси **Ю. Н. Христораднов** раислик қилди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари, СССР Давлат план комитетининг Раиси депутат **Ю. Д. Маслюков** якунловчи нутқ сўзлади.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети План-бюджет ва бошқа доимий комиссияларининг тузатишларини назарда тутиб, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани тўғрисида Қонун, шунингдек СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида Қарор қабул қилди.

СССРнинг 1989 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССР 1987 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги масала юзасидан СССР Молия министри депутат **Б. И. Гостев** якунловчи нутқ сўзлари.

СССР Олий Совети СССР Давлат бюджетини тасдиқлади, палаталар План-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари киритган тузатишларни назарда тутиб, СССРнинг 1989 йилги Давлат бюджети тўғрисида Қонун, шунингдек СССР 1987 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда СССР Олий Совети Президиумининг СССР Олий Совети тасдиғига киритилаётган фармонлари тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Т. Н. Ментешашвилининг** доклади тингланди. Мазкур масала юзасидан депутатлар **П. П. Горюнов, А. С. Суханов** ва **В. А. Згурский** сўзга чиқдилар. СССР Олий Совети тақдим этилган фармонларни тасдиқлади.

Шу билан ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Бугун Ленин комсомоли ташкил этилганига 70 йил тўлди

ЗАМОНДОШИМИЗ

Ёшлик туғёни

Ёшлик деганда дадил қадамлар, юракдаги оламга сиғмайдиган шиддат, туғён киши кўз олдига келади. Худди шунинг учун ҳам ёшлик учун ошолмайдиган довонлар, ечилмаган муаммолар йўқ!

Мана бу чеҳрасидан баҳор балқиб турган қизларга бир қаранг. Ўртада қўлида гулдаста билан турган, нигоҳлари бахтиёр қиз шу қизларнинг етакчиси Маъмура Мансурова. У ҳозиргина район комсомол комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Маъмура Мансурованинг Тошкент бадиий буюмлар фабрикасига ишга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин меҳнатсевар, ҳалол қизнинг кимлиги коллективга аён бўлди-қўйди. Уни устози З. Қосимова ҳам алқади:

— Барака топгур, бирам зеҳнли қиз эканки. Айтган гапингни дарров уқиб ола қолади. Бир гапни икки марта такрорламайман ҳам. Қўлларини айтмайсизми! Шунақанги чаққон ишлайдики...

Бу мақтовларни эшитиш фақатгина уддабурро шогирдга насиб этади! Бир куни Маъмура дугоналарини йиғиб, дилидагини ўртага ташлади.

— Комсомол ёшлар бригадаси тузмаймизми?

Қизлар чувур-чувур кўтаришди, баҳслашишди...

Шундай қилиб, фабрикада комсомол-ёшлар бригадаси иш бошлади. Қизлар ҳам бир ўзларини кўрсатиб қўймоқчи бўлишдими, ё бошқа нарса сабабми, ҳайтовур, сал кунда планларини ошириб адо этиб, дарров тилга тушишди. Ҳатто З. Қосимова ҳам шогирдидан мамнунлигини яширимади:

— Шунақанги қизлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Ҳақиқий комсомол-да!

Бизнингча бундан ортиқ баҳо бўлмаса керак.

Маъмура Мансурова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ҳамиша олға ниғоҳ ташлайдилар. Улар учун биринчи ғалаба — қанот! Улар ҳали янада баланд парвоз қиладилар. Чунки уларнинг юракларида ёшлик ўти бор. Бу ўт олға бошлайверади, ғалабаларга ундайверади.

Т. АБДУЛЛАЕВ.

● СУРАТДА: Маъмура Мансурова бригада аъзолари билан.

Т. Каримов фотоси.

— Ҳар бир юбилей одатда сарҳисоб саналади. Комсомол туғилган кунинг 70 йиллигини ҳам катта сарҳисоб деб қарасак, босиб ўтилган йўлларга назар ташлаймиз, албатта...

— Комсомолнинг 70 йиллиги тарих учун унчалик катта давр эмас. Лекин ўтган 70 йил ичида 150 миллион киши Ленин комсомоли сафларида ҳаёт мактабини, коммунистик тарбия, меҳнат ва иноқилоб мактабини босиб ўтдилар. Комсомолнинг таржимаи ҳоли ҳам Ватанимиз қаҳрамонона тарихининг ажралмас бир қисмидир. Шунинг учун биринчи комсомоллар ҳақида гапирар эканмиз гражданлар урушида, биринчи беш йилликлар даврида мардлик намунаси кўрсатганларни, Улуғ Ватан урушида биринчилар қаторида ҳаёт-мамот жангига кирганларни, кўрик қаҳрамонларини чуқур ҳурмат билан тилга оламиз. Биринчи космонавтларни, қачонлардир ёш бўлган олимларнинг биринчи илмий кашфиётларини эслаймиз.

Лекин етмиш йил мобайнида кўпгина ишлар амалга оширилмай қолди. Булар ҳақида гапирмасдан ўтиш мумкин эмас. Чунки ёшларимизнинг коммунистик тарбияда аниқ ишларини билиб олмасдан туриб, тарихимизда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни атрофлича муҳокама этмасдан туриб олға силжишимиз мумкин эмас. Бошқаришнинг маъмуриятчилик, буйруқбозлик усуллари, бюрократчилик комсомол фаолиятига тамомила кириб улгурган эди. Бу ҳол эса маълум даражада комсомолда салбий ҳолатларнинг ўсишига сабаб бўлди. Ташкилотимизнинг демократик характери билан раҳбарликнинг бюрократларча усули ўртасида чуқур қарама-қаршилик вужудга келди. Комсомол ташкилотларининг иш услубида кўпроқ рапортбозлик, қоғозбозлик, расмиятчилик, эскирган методлар намоён бўлди. Фақатгина партиямиз Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейингина, комсомолга ўз фаолиятидаги хатоларини англаб олишига имкон яратилди. Қачонки комсомол фаолиятини қайта қуриш ҳақида гап кетар экан, унинг барча бўғинларини, бошланғич ташкилотдан тортиб Марказий Комитетгача янгича иш юритишини таъминлаш зарур деб тушунмоғимиз керак.

— Қайта қуриш, жадаллаштиришда комсомолнинг долзарб вазифаларини нимада деб ўйлайсиз?

— Авваллари комсомол ташкилотларининг ишини қабул пайтидаги жанговарлиги, аъзолик бадалларини тўлаш, комсомолларнинг сиёсий ўқишида қатнашаётганлигига қараб, яна ҳам тўғрироғи, сон миқдорига қараб баҳоланган бўлсак, эндиликда комсомолларнинг аниқ иш фаолияти, комсомол ташкилотининг муайян амалга оширган ишлари диққат марказимизда турибди. Бугун ёшларнинг қайта қуришдаги асосий иштироки бу дастлаб комсомолларнинг қайта қуришга муносабатидир. Бу ўз навбатида илғор бўлиш, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида актив иштирок этиш демакдир. Бизнинг бугунги асосий вазифамиз қайта қуришга тайёр бўлишимиздир. Комсомол комитетлари ёшларни қайта қуриш ишига актив қатнашишига эришмоқлари керак. Иккинчидан — энг муҳими ҳам шу бўлса керак — бугун комсомол комитетлари бажараётган аниқ юмушлардир. Иш бўлганда ҳам ижтимоий, салмоқли ишлар.

— Кўпинча жасорат ҳақида гап кетганда ёшларимиз «Корчагинлар замони бошқа эди», дейишади. Бу фикрни қандай изоҳлайсиз?

— Ҳар бир авлоднинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Биз учун ҳамиша, ҳамма вақт гражданлар уруши, биринчи беш йилликлар даври, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари матонат ва жасорат рамзи бўлиб келган. Павел Корчагин — Николай Островский, Абдулла Набиев, Алексей Стаханов, Александр Матросов ва кўплаб бошқа марду майдонлар бугун — 80-йиллар ёшларига ҳам ўрнак, ибратдир. Лекин юқорида айтганимдек ҳар бир авлод ўз қаҳрамонларини вояга етказади.

Бугун биз Афғонистонда ўз интернационалигида деб биламан. Кейинги ўн беш йил ичида республика комсомол ташкилоти икки баравар ўсди. Лекин талабчи? Талаб етарли даражада эмас. Райкомларда ой сайин 500—800, ҳатто 1000 кишини комсомол сафларига қабул қилиб турганда, қандай талаб ҳақида гап бўлиши мумкин? Биласизми, ҳатто комсомол билети тарқатиб улгуролмай қолдик!

Қабул масаласига биз муносабатни тубдан ўзгартирдик. Кейинги уч-тўрт йил ичида комсомолга қабул қилиш икки марта қисқарди. Талаб эса ўзгарди. Биз сон жиҳатдан 500000 кишига камайган бўлсак ҳам жипслашиб, янада бақувват тортдик.

Довонлардан довонларга

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Азиз НОСИРОВ билан суҳбат

бурчларини бажариб қайтганлар билан ҳақли суратда фахрланамиз. Улар адолатсизликни, қашшоқликни ўз кўзлари билан кўриб қайтдилар, энг муҳими дўст мамлакатни душманлардан шараф билан ҳимоя қилдилар. Улар орасида минглаб ўзбекистонлик ўтюрак ёшлар бор. Уларнинг кўпчилигининг қўксида жасорат белгиси бўлиб орден ва медаллар порлаб турибди.

Комсомол ветеранлари билан учрашганда улар олис ўн саккиз ёшликлари, ўша бахтиёр, айни пайтда машаққатли йиллар ҳақида ҳикоя қиладилар. Улар ўз сафдошлари ҳақида айрича кўтаринкилик билан сўзлайдилар.

80-йиллар комсомолларининг ҳам ўз қаҳрамонлари бор. Улар ўн саккиз — ўн тўққиз ёшли ўсмирлар! Демак, комсомолнинг 20-30-40-йиллар анъаналари давом этаверади.

— Комсомолда бундан 20—30 йил аввалги жанговарлик, ташаббускорлик кўринмайди. Улар ҳатто оддий бурчлари — комсомол Уставини бажаришда ҳам лоқайдлик қилишади. Комсомол етакчиси сифатида бундай ҳолларни қандай баҳолайсиз?

— Тўғри савол бердингиз. Лекин комсомолни Ватанимизда бўлиб ўтган охирги йигирма-ўттиз йилда бўлиб ўтган воқеалардан ажратиб кўрсатиш мумкин эмас. Комсомол тарихини мамлакатимиз тарихидан ажратиш ҳам адолатдан эмас. Мен шахсга сиғиниш ва турғунлик даврининг оғир дамларини назарда тутяпман. Улар комсомол тақдирида, союзимиз фаолиятида оғир из қолдирди.

Устав масаласига келсак, шахсан мен камчиликларнинг илдизларини ёшларнинг комсомолга бўлган муносабатида эмас, балки ВЛКСМ аъзоларига талабнинг сусайиб кетганлигида деб биламан. Ҳозирги ёшларнинг комсомолга бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз. Ишонч — аниқ ишлар, тадбирлар туфайлигина мустаҳкамланади. Энг муҳими — ёшларнинг талабларини бажариш! Мана шундагина комсомолнинг обрўсини ошириш, ёшларни жанговар қилиб тарбиялаш мумкин.

— Азиз Носирович, республика комсомол ташкилотига раҳбарлик қилаётганингизга кўп вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа муддат ичида қандай ишлар амалга оширилгани ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Аввало, бир ярим йил қисқа муддат демоқчи эмасман. Бу ўзингни ишда синаб, маҳоратингни кўрсатиш учун етарли муддат. Ҳисоботни Ўзбекистон комсомолининг XXIII съездидан, комсомол ҳаракатининг кейинги беш йиллик аниқ плани ишлаб чиқарилган анжумандан бошлаймиз. Бу даврда ёшларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришга қўшадиган ҳиссаси, меҳнат активлигини оширишга асосий эътиборни қаратдик.

Бу йил эса ўнга яқин министрлик билан комсомол комитетларининг ҳуқуқини кучайтириш борасида қарорлар қабул қилишга муваффақ бўлдик. Шу ҳужжат асосида ҳозир юзга яқин корхонада комсомоллар ўй-жой тақсимоти, ишчилар малакасини ошириш ва бошқа кўпгина муҳим ишларда актив қатнашмоқда. Энг асосий факт — бу корхоналарда комсомол комитети билан «ҳисоблашмоқдалар».

Комсомолнинг яна бир яхши иши иқтисодий жиҳатдан қолоқ 13 колхоз ва совхозни оталиққа олиши бўлди. 1987 йилнинг ўзида 4 хўжалик фойда ола бошлади. Бу йил эса яна 5 хўжалик йиллик топшириқларини бажаришди.

Ҳозир ёшлар ижодининг ягона умумдавлат илмий-техника системасини яратиш учун катта иш олиб борилябти. Ёшларнинг илмий-техника ижоди маркази тузилди. Улар томонидан 12,5 миллион сўмлик шартнома тузилди. Комсомол комитетлари томонидан ёшлар уй-жой комплекси қуриш ҳам жадаллаштириб юборилди.

XXIII съездимизда комсомолларнинг 165 ижтимоий ташаббусларини тасдиқлаган эдик. Улардан 100 таси ҳозиргача ҳаётга тадбиқ этилди. Бухоро, Самарқанд, Навоий шаҳарларида ёшлар ташаббуси фонди очилди. Йигирмадан зиёд ёшлар маркази, юздан ортиқ кафелар ёшлар хизматида. Бу ўз навбатида бўш вақт масаласини ҳам ижобий ҳал қилишимизда катта роль ўйнамоқда.

Авваллари бир ишни бошлаб, уни охирига етказмай яна бошқа иш билан овора бўлиб кетардик. Шунга чек қўйдик. Шиоримиз: иш бошладингми — сўнгига етказ! Шундагина комсомоллар активлиги ошади, комсомол комитетларининг обрўси кўтарилади.

— Республика комсомолининг жанговар отрядларидан бири пойтахт комсомол ташкилоти ҳақида нималар дея оласиз!

— Тошкент комсомоллари ҳамиша олдинги сафларда боради. Уларнинг кучи билан кўпгина ишлар амалга оширилди. Айнан Тошкентда ажойиб ташаббуслар дунё юзини кўради, сўнгра республикамизга тарқалади. Масалан: ёшлар ижоди маркази илк бор Тошкентда тузилди. Интернационалчи-жангчиларнинг биринчи слёти Тошкентда бўлиб ўтди ва ҳоказо.

Бугунга келиб шаҳар комсомол ташкилотлари ўртасида жанговарликни ошириш борасида катта ишлар олиб борилябти.

Пойтахт комсомоллари ёшларнинг норасмий уюшмалари билан доимий мулоқотда бўляптилар. Уларнинг муаммоларини англаб етиб, кўмак ҳам беряптилар, ўз ортларидан эргаштиряптилар.

Лекин иккинчи томондан шаҳар комсомол ташкилотидан катта талаб қилишимиз ҳам керак. Шаҳар комсомол ташкилотининг камчилиги, муаммолари шундоққина кўриниб, сезилиб турибди. Шунинг учун камчиликларни ўз вақтида эслатмасак, юқори талаблар нуқтаи назаридан туриб ёндошмасак, комсомол ташкилотларига, умуман, комсомолларга, комсомол ходимларига талабни оширмасак олдимизда турган вазифаларни мутлақо бажаролмаймиз. Ўз ютуқларимизни танқидий таҳлил қилиб, танқидий ёндошиб, пойтахт комсомол ташкилотини қайта қуришни олға силжитишимиз зарур.

— Икки мингинчи йиллар комсомоли тасаввурингизда қандай бўлади!

— 2000-йиллар комсомоли, албатта, демократик, ҳар хил ғуборлардан, расмиятчилик, бюрократизм — умуман ҳозир бизда бор камчиликлардан холи бўлади. Уларни жанговар, актив, улкан мақсадларни бемалол ҳал қила оладиган бўлиши эса, барибир, бизга— 80-йиллар комсомолига боғлиқдир. Чунки улар бизнинг келажагимиз. Келажакнинг мусаффо бўлишига эса биз жавобгармиз.

Суҳбатни Темур УБАЙДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

Лауреатларни қутлаймиз!

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА ҚУЙИДАГИЛАР 1988 ЙИЛ УЧУН ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИЛАР.

В. Астафьева, З. Краснова — А. Навоий номли Давлат академик катта театри балет солистлари. «Тўмарис» балетида яратган образлари, концерт фаолияти, хореография санъатини пропаганда қилиш ва ривожлантиришдаги хизматлари учун.

И. Ғуломов — самолётсозлар маданият ва техника саройи «Восток» филиалидаги «Гулшан» ўзбек эстрада ансамбли раҳбари. Юксак ижрочилик маҳорати, ўзбек классик ва замонавий музика санъатини пропаганда қилишдаги актив иштироки учун.

Т. Қаҳҳоров — «Шарқ юлдузи» журнали кичик проза бўлими мудири, «Юлдузлар менинг боғим», «Кун кўзи» шеърий тўпламлари учун.

С. Лепешкин — Плакатчи—рассом. Мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатини ифодаловчи плакатлар серияси учун.

Д. Османова — «Хайтарма» қрим-татар ашула ва рақс ансамбли балет солисти. Юксак ижрочилик маҳорати, фольклор санъатини пропаганда қилишдаги хизматлари учун.

С. Раметова — Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театри актрисаси, «Отасининг қизи», «Саркофаг», «Эльфа планетасидан келган меҳмон», «Майсаранинг иши» спектакларида яратган образлари учун.

Л. Шорохов — СССР Ёзувчилар союзи аъзоси, Бекободдаги 10-участка катта прораби. «Володька—Освод» повести учун.

Паркент район маданият уйининг «Паркент гуллари» халқ ашула ва рақс ансамбли. Ўзбек қўшиқлари ва рақс санъатини пропаганда қилишдаги актив иштироки учун.

Қуйбишев районидаги Ильич номли пионерлар уйи «Чиннигул» болалар вокаль-чолғу ансамбли. Ёшларни эстетик руҳда тарбиялашдаги актив иштироки учун.

Тошкент темирйўлчилар маданият саройи «Силуэт» замонавий халқ балл рақси ансамбли. Юксак ижрочилик маҳорати, замонавий балл рақс санъатини пропаганда қилишдаги актив иштироки учун.

Комиссия журналистика ва архитектура соҳасидаги ишлар учун мукофотларни бермасликка қарор қилди.

Ғолиблар аниқланди

Тошкент область комсомол комитети ва Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташкилоти «Давр, қайта қуриш ва мен» шиори остидаги ВЛКСМнинг 70 йиллигига бағишланган энг яхши мақола, журналистика соҳасидаги иш учун конкурсга якун ясадилар.

Биринчи мукофот «Комсомолец Узбекистана» газетасининг бўлим мудири С. Брагинскийга берилди.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбирлари Ж. Носиров ва А. Носирова, «Ташкентская правда» газетасининг мухбирлари В. Синягин ва В. Хамраев **иккинчи мукофот**га сазовор бўлдилар.

Учинчи мукофотларга Т. Қозоқбоев, С. Ёқубов, Л. Пак («Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси), «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг мухбири Р. Зарипова, Оҳангарон райони «Оҳангарон» газетасининг мухбири О. Хушназаров сазовор бўлдилар.

Истеъмол буюмлари манзурми?

— Е тавба, мол арзонлашдими, бўлди, дарров магазин пештахталаридан йўқолади-я!

— Э, нимасини айтасиз, оқ-қора тасвирли телевизорлар нархи тушганда олай деб борсам, йўқ бўпти-қўйипти.

— Бунга анча вақтлар бўлдию. Ҳозиргисини айтмайсизми? Нуқул пештахталарда «қимматбаҳо моллар» намойиш қилиняпти. Е тағи каммикан ўзи, арзонроғи оз ишлаб чиқариляптимикан-а?

— Халқ ҳам кўп-да, биродар! Кейин, дидлар ҳам ҳар хил. Бир ёғи тўқчилик.

Саноат моллари магазинидан эндигина чиққан икки кишининг суҳбати шу мавзуда ёзишга, мулоҳаза юритишга ундади.

Бенхтнёр яқинда КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида муҳокама қилинган жиддий масала ёдимга келди. «Халқ истеъмоли товарлари чакана нархлари ва аҳолига кўрсатиладиган хизмат тарифлари билан боғлиқ ишларнинг аҳволи кўриб чиқилди, — дейилади унда. — Муҳокама қилиш чоғида халқ фаровонлигини ошириш, социал адолат ҳамда юқори унумли меҳнатни рағбатлантириш принципларини тағин ҳам тўлароқ амалга ошириш вазифаларига мос келадиган чакана нарх сиёсатини ўтказишнинг муҳим социал-сиёсий ва иқтисодий аҳамияти таъкидланди.

Чакана нархлар ва хизмат тарифларини асоссиз равишда ошириб юбориш, корхоналарнинг молиявий кўрсаткичларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархини ошириш йўли билан, шунингдек аҳоли талаб қилаётган арзон товарлар ишлаб чиқаришни камайтириш ҳисобига яхшилаш практикаси йўл қўйиб бўлмайдиган практика деб ҳисобланди».

Партиямиз бугунги кунда кенг истеъмол молларини аҳолига манзур қилиш, буюмларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш билан бирга уларнинг ижожи борича кенг аҳоли учун қулай, арзон бўлиши ҳақида қайғурмоқда. Қандай қилиб бунга эришиш керак — бу ҳар бир корхона мутасадди раҳбарларига ва етакчи мутахассисларига яхши маълум. Улар билан шу мавзуда суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, бир қатор иқтисодий-техникавий омилларни санаб беришади. Қийинчиликлар ҳам мавжудлигини яширишмайди. Аммо барибир биз бир нарсани унутмаслигимиз керак. Эсингизда бўлса, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида экономикамизни социал масалаларга йўналтириш ҳақида яхши бир гап бўлди. Бу ҳатто партия органлари сиёсий ишининг негизи бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Гап одамлар эҳтиёжини қондириш, улар манфаатини ўйлаб иш юритиш, уларни юқори сифатли, зарур истеъмол моллари билан таъминлаб бориш ҳақида борди.

Шаҳримизда ҳам бу ҳақда жиддий бош қотирилмоқда. Халқ хўжалигини замонавий илмий-техника ютуқлари асосида техникавий жиҳатдан реконструкция қилиш бўйича белгилаб чиқилган улкан программа амалга оширилмоқда. Ана шу илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини шаҳарнинг социал тараққиёти билан узвий боғлаб ҳал этишга асосий эътибор қаратиляпти. Шаҳар партия, совет органлари бугунги кунда ана шу масалани ўз диққат марказларида тутишаётгани бежиз эмас: очиғи, аҳолига тавсия этилаётган кенг истеъмол буюмларининг ҳажми ва турлари ҳали шаҳар аҳолисининг юксак талаб-эҳтиёжларига тўла жавоб беролмаяпти.

Конкрет фактларга тўхталайлик: Тошкент шаҳри бўйича кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш тўққиз ойлик плани бажарилмади. Бунга барча районлар ўз «ҳисса»ларини қўшган. Шаҳарда жами 18 та корхона кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш тўққиз ойлик планини уддалай олмади.

Куйбишев районида асосан икки корхона — экскаватор, лак-бўёқ заводларида, Собир Раҳимов районида учта — агрегат заводи, «Тошкент» мебель ва «Металлообработка» ишлаб чиқариш бирлашмаларида, Фрунзе районида ҳам асосан иккита корхона — тўқимачилик комбинати ва «Ташгоробувьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Чилонзордаги «Промсвязь» ва бошқа корхоналарда кенг истеъмол моллари тайёрлашга панжа орасидан қаралмаса ҳам бу муҳим топшириқ масъулияти ҳали етарли даражада чуқур англаб олинмаганлиги кўриниб турибди. Акс ҳолда бу борада улар қолоқлар қаторига тушиб қолишмаган бўларди.

Киров районидаги асбобсозлик заводида ва умуман районда бу борада ҳаракат борлигидан ҳам кўз юммаслигимиз керак. Фақат биз уларга яна озгина ғайрат тиламоқчимиз. Бу истак — Фрунзе районидаги «Таштекстильмаш» заводига, умуман Ҳамза районига, шу райондаги «Ташсельмаш» заводига тегишлидир. Биз улар ўз ишларига етарлича суръат бахш эта оладилар, деб умид қиламиз.

Шаҳримизда умуман кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари чакки эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак: у тўққиз ойда 109,6 процентни ташкил этди. Деярли ҳамма районларимизда бу борадаги кўрсаткичлар саъе-ҳаракат қилиняётганини кўрсатиб турибди. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, машинасозлик заводи, 1-эксперименталь-механика заводи, 2-ёғочни қайта ишлаш заводи, «Узвторремонт»нинг 8-эксперименталь заводи, «Компрессор» заводи, «Геологоразведка» заводи, «Совпластитал» ҳамкорликдаги корхона ва бошқа ўнлаб корхоналарнинг маҳсулотлари харидоргир бўлиб бораяпти.

Худди шу масалада юқорида айтиб ўтилган фикрни яна бир эслатиб ўтмоқчимиз. Шаҳримиздаги баъзи корхоналарда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш планларини, ўсиш суръатлари топшириқларини ошириб бажаришга интилиб асосан қимматбаҳо буюмлар тайёрлашга берилиб кетиш «касали» мавжуд. Тўғри, қимматроқ маҳсулотлар билан план тўлдириш осонроқ, ундан корхонага мўмай даромад тушади. Аммо биз корхона манфаатини эмас, халқ манфаатини биринчи ўринга қўйишимизни партия бугунги кунда талаб этаётганини унутишга ҳаққимиз йўқ-да!

Иккинчи масала — уларнинг сифатини яхшилаш. Бизга ҳозир айрим корхоналарнинг раҳбарлари: «Эскириб қолган ускуна ва дастгоҳлар кўп бўлса, шу пайтгача қўл меҳнати юқори бўлса, нима қилайлик» деб «арз-дод» қилишлари табиий. «Учқун» тўқимачилик-галантерея, «Октябрь 50 йиллиги» ва бошқа корхоналарда шундай сўзларни эшитишга тўғри келган.

Айниқса ҳозирги шароитда, яъни шаҳардаги ўнлаб корхоналар хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитига ўтиб ишлаётган паллада ишларни қайта қуриш, иқтисодий фикрлашни ўрганиб олиш муҳим роль ўйнамоқда. Янги шароит кўпгина корхоналарда ҳали ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, планлаштириш ва бошқа соҳаларда бир қатор камчиликлар мавжудлигини очиб ташлади. Натижада баъзилар қийин аҳволдан осонгина чиқиш йўлини қидириб, дам аҳолига зарур истеъмол буюмларини қимматлаштиришга, дам осон ишлаб чиқариладиган буюмлар ҳажмини зўр бериб кўпайтиришга, гоҳида эса «Янгилик» индекси билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни камайтиришга уриниб кўришяпти. Уларга битта фикрни яна уқдириб ўтмоқчимиз: сизнинг фаолиятингизга бериладиган баҳо мезони — биринчидан, маҳсулот турлари кўпроқ, иккинчидан, арзон бўлсин, учинчидан, аҳолининг дид ва талаб-эҳтиёжларига тўла жавоб берсин!

Бунга эришмоқ учун худди ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлаётган меҳнат коллективлари кўпроқ қўллаб-қувватланиши, умуман эса ишлаб чиқариш фаолиятига баҳо беришдаги текисчилик тенденциясига барҳам бериш лозим.

Бу борадаги қайта қуриш жанговар аҳамият касб этмоғи учун у ишлаб чиқаришнинг конкрет вазифалари билан узвий боғланиши, иқтисодий таъсир чораларидан омилкорлик билан фойдаланиш зарур.

Ҳ. ИКРОМОВ.

Қўрқит ота ўгитлари

Қозоқ дўстларимиз сўнгги ўн йиллар мобайнида қўрқитшунослик соҳасида бир мунча ишларни амалга оширдилар. Академик Алкей Марғуллин «Қўрқит ота китоби»ни пухта ўрганиб унинг моҳиятини «Қадимий қўшиқ-афсоналар» китобида атрофлича ёритиб берди. Олимлардан А. Қўнғиротбоев ва М. Байдилдаев «Қўрқит ота китоби»ни русчадан қозоқ тилига таржима қилишди.

— Қўрқит ота ҳақидаги афсона ва эртаклар, қўшиқ ва куйлар қозоқлар орасидагина сақланиб қолган, — дейди санъатшунос Сейсен Мухтор ўғли.

Тарихий маълумотларга қараганда донишманд ўз даврининг етук билимдони, шоири ва куйчиси бўлган Қўрқит VIII асрда яшаган. Унинг онаси қипчоқ уруғидан, отаси эса ўғизларнинг қайишмас деган тармоқларидан бўлган. «Қўрқит ота китоби»даги воқеалар ва ер-сув атамаларига қараганда Қўрқит ҳозирги Қозоғистон ССРнинг территориясида, Сирдарё бўйларида ҳаёт кечирган. Шу ерга дафн этилган.

Дрезден—Бартольд—Ергин ёзмаларига қараганда, Қўрқит авлиё ёки руҳоний эмас, ўғизларнинг улкан донишманди, эпос бахшиси сифатида кўрсатилади.

Таржимонлар китобнинг қозоқча нусхасини «Дадам Қўрқит қўшиқлари», «Қўрқит ота китоби» деб аташни лозим топишган. Дада—қадимий сак сўзи бўлиб, «отабола» тушунчасини беради.

Тубанда Қўрқит ота нақлларидан намуналар ўқийсиз.

⊙ Тўғраб еган гўшт яхши. Чанқаб ичган сув яхши.

⊙ Бошқалардан ўзини баланд тутган одамга бахт кулиб боқмайди.

⊙ Кулни қанча уйган билан тепа бўлмас.

⊙ Қора эшакнинг бошига юган солган билан тулпор аталмас.

⊙ Кор қанча қалин ёққани билан ёзга етмайди.

⊙ Тўзган пахта бўз бўлмас, қадимий ёв дўст бўлмас.

⊙ Ҳисобсиз мол йиққан билан одам саҳий бўлмайди.

⊙ Онадан тарбия кўрмаган қиз ёмон, отадан таълим олмаган ўғил ёмон.

⊙ Меҳмони йўқ қора уйдан даладаги туз яхши.

⊙ От емайдиган аччиқ чўпнинг гулламаги яхши.

⊙ Кун билан тунинг келганини бўзтўрғай билар.

⊙ Қўйнинг сайратган бахшига халқи керак.

⊙ Елғончи бўлиб яшагандан, умр сурмаган яхши.

⊙ Янглишмас жаҳ, сурнимас туёқ йўқ.

Қидирбой ТУЛАБОЕВ тайёрлаган.

Акс садо

Инсонлигимизни унутмайлик

«Тошкент оқшоми»нинг 1988 йил 6 октябрь сонидаги «Бахт ёр бўлсин, қизларжон!» сарлавҳали мақолани ўқидим-у, анчадан бери менга ўйлантираётган воқеалар ҳақида ёзиш учун қўлимга қалам олдим.

Мақола авторининг фикрига тўла қўшиламан. Ҳаётимизда бутун гўзалликларни ўзида мужассам этган сулувлар жуда кўплаб топилади. Лекин. . .

Аёл — назокат, латофат, иффат соҳибаси. Кийиниши, ўзини тутиши, ширинсуханлиги билан ҳар қандай қалбдан ўзи учун муносиб ўрин топа билиши, оналик латофати билан эса ҳаммага ибрат бўлиши лозим.

Тилла узукка— ёқут кўз ярашади, деганларидек ажойиб даврониимизга, фаровон турмушга маданиятли ҳаёту, хушмуомалалик ярашади. Маълумки хол битта бўлса, юзга ҳусн бағишлайди, аммо кўпи чиройга раҳна солади.

Хушмуомалалик одат бўлганиданми, муомала маданияти, жамоат ўртасида ўзини тутишдаги баъзан учраб турадиган камчиликлар киши кўзига хунук кўринар экан. Айниқса, аёлларимиз, хотин-қизларимиз орасида учрайдиган камчиликлар кишини ажаблантиради. Мен ана шу хусусда сўз юритмоқчиман.

Қизлар деганда бенхтнёр сўзларидан бол томадиган, ҳаё либосига ўралган, иффат чашмасига қонган ширинсуханларни тасаввуримизда гавдалантирамиз. Аммо, аҳёнда бўлса ҳам кибру ҳаволи аёллар учрайдики, кийган кийими, ҳусниии кўз-кўз қилгани етмагандек, «баланд»дан туриб атрофдагиларга дашном бергиси келади.

Шаҳримизда жамият манфаати йўлида меҳнат қилаётган, ҳаёт йўлини ибрат деб атаса арзийдиган аёллар жуда кўплаб топилади. Уларни кўриб ҳавас қиласан киши. Мақолада тилга олинган Саидахон билан Сайёрани ҳаёлан солиштириб кўрдим. Саидахондаги хислатлар соҳибаси бўлишни қайси қиз хоҳламайди дейсиз. Ундан ортиқ фарзандни ўстириб вояга етказган Қаҳрамон она билан қўни-қўшнилар, маҳалла-кўй фахрланиши мумкин. Бироқ, уйда келинларига, тўй-ҳашамда, бирон бир йиғиларда атрофдагиларга қиладиган муомаласини кўрган киши афсусланмай иложи бўлмасачи?! Ёки бойликка ўч она ўзи емай, фарзандларига едирмай бойлик орттирса-чи?! Бундай онахонлар ёки ёш бўлишига қарамай «катталик»ни ҳавас қиладиган дугоналаримиз ҳам оз эмас. Бу иллатларни бартараф этиш, менимча, ҳар биримизнинг қўлимизда. Бу албатта, ўзимизга, ҳар биримизнинг виждонимизга боғлиқ.

Муҳтарама опа-сингиллар, азиз дугонажонлар! Ота-онамизнинг иқтисодий томондан ҳам, маънавий томондан ҳам қийналиб

қолишларига ўзимиз сабабчи эмасмизми? Фалон пулга тақинчоқ олиб беришмаса, уйдан аразлаб чиқиб кетиб, уйдагиларни ҳам, ўзимизнинг ҳам кўнглимизни хира қилишимиз керакмикин?

Баъзан ўйга толаман: кишилардаги бундай кибру ҳаво, бойликка ўчлик, муомала маданиятидаги бу хилдаги қўполлик, борингки ахлоқсизлик каби иллатлар қандай пайдо бўларкин? Менимча, бу— китоб билан яқиндан ошначилик қилмасликдан, ҳаёт китоби— турмушдаги муомала маданиятини яхши ўрганмасликдан деб ўйлайман. Чунки, китоб кишини муомала қилишга, одобга, ҳар қандай шароитда ҳам ақл-фаросат билан иш тутишга ўргатади. Ўз ширинсуханлигимиз, хушмуомаламиз, тадбиркорлигимиз билан ҳамиша аёл номини покиза сақлайлик.

Шоҳида ДАМИНОВА.

Дунё харитаси олдида

«Оқ қитъа»да воҳалар борми?

Воҳа деганимизда, чўл жойларда ер ости сувларининг яқинлиги, булоқларнинг зилол сувлари қайнаб чиқаётганлиги туфайли одамлар яшаши учун анча қулай жойни кўз олдимизга келтирамиз. Ливия чўлидаги бир неча аҳоли яшайдиган жойларни воҳа деб аташлари бежиз эмас. Антарктидада Халқаро Геофизик йиллари (1956 йилнинг 15 октябридан 1958 йилнинг 17 ноябригача) СССРнинг илмий станцияларидан бирининг номи ҳам «Воҳа»— «Оазис» деб аталган. Воҳалар ҳамма қитъаларда мавжудлиги кўпчиликка маълум, лекин уларнинг қалинлиги 4 километргача етадиган абадий музлар билан қопланиб ётгани учун «Оқ қитъа» деб аталмиш Антарктидада ҳам борлиги етти ухлаб тушингизга кирмагандир.

Хўш, воҳалар Антарктиданинг қаерида жойлашган ва уларнинг табиати қандай? Антарктиданинг бошқа қитъалардан асосий фарқи — унинг муз билан қопланганлигидир. Шу билан бирга, бу муз ўлкасининг 0,2—0,3 фоиз ери муздан ҳоли бўлган қуруқликлардан иборат. Бу — муз далалари ўртасида қоровулдек шўппайиб турган тоғ чўққилари ва яқин ўртада муз тутқинлигидан озод бўлган воҳалардир. У ердаги барча воҳаларнинг майдонига Европадаги Бельгия давлатини зўрға жойлаштирса бўлади. Бу воҳалар ўзига хос иқлимига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, ҳаттоки қишда ҳам музлайдиган дарё ва кўлларига эга. Қитъадаги воҳаларнинг ўртача майдони 300 квадрат километрга тенг бўлиб, улардан энг йириги Мак-Мердодир. Энг қизиғи шундаки, бу воҳанинг музлдан озод бўлганига 3—4 миллион йил бўлди. Мак-Мердонинг майдони 4500 квадрат километр бўлиб, унда АҚШнинг йирик музшунослик қутб станцияси жойлашган.

Антарктидадаги воҳалар ўрнашган жойига қараб, музликлар оралиғидаги ва қирғоқ бўйи воҳаларига бўлинадилар. Музлик оралиғидагиларга Бангер, Обручев, Жетти, Ширмахер, Тарн-Флет ва бошқалар киради. Қирғоқ бўйи воҳалари эса, денгиз билан туташиб кетадилар. Уларга Вест-Фолль, Грирсона, Лютцев-Хольм, Терешкова, Молодежний ва муздан ҳоли бўлган ороллар киради.

Биз юқорида айтган воҳалар анча текис жойлар бўлиб, баландлиги денгиз сатҳидан бор-йўғи 100—200 метрдир. Уларнинг усти эса, қадимда муз бўлганлигидан дарак берувчи тошлар, кичик кўллардан иборат.

Оқ қитъа воҳаларининг пайдо бўлишида, музликларнинг ҳаракати ва кучли шамолларнинг эсиши натижасида мавсумий қорларнинг учириб кетиши асосий сабаблардан биридир.

Асқар АКБАРОВ, география фанлари кандидати.

⊙ Ойбек уй-музейи зиёратчилар билан доимо гавжум.

В. Тўраев фотолари.

Бувижон, ўқиб беринг

Ленин десам...

Қиш ҳам баҳор,
Ёз бўлади.
Ленин десам!..
Ҳамма ишим
Соз бўлади,
Ленин десам.

Тахтлар ёниб
Кул бўлади
Ленин десам.
Еру осмон
Гул бўлади
Ленин десам.

Китоб

Мен китобман,
Китобман
Миттигина
Офтобман.

Куйдирмайман
Қўлингиз.
Ёритаман
Йўлингиз.

Кўмир

Мен кўмирман
— қораман,
Лекин иши сараман.

Эл деб ёниб кетаман,
Мақсадимга етаман!

Олма териш

Ҳамма ишни
Бўлиб олдик,
Олма териш
Маҳалли.
Яшиклари
Келтиришга
Кетди Нор ва
Бегали.
Нур ва Ғани

Узар бўлди
Чиқиб дарахт шохига.
«Яшанглар» деб
Туриш, қаранг,
Менга тегди
Бахтимга.

Олқор ДАМИН.
Самарқанд.

Билиб қўйган яхши

Эльюнди тилида гапиришни истайсизми?

Қарангки, сайёрамизда ҳар йили кўплаб янги тиллар пайдо бўлади. Ҳиндистонда — абасама, Франциядa адли, Венгрияда — романид каби тиллар яратилган. Маълумки, бошқа халқлар билан ўзаро тушунарли тилда мулоқот қилиш кўпчиликнинг орзуси. Яқинда одессалик тилшунос Александр Колегов ўн беш йиллик изланишлардан кейин янги тилни яратишга муваффақ бўлди.

Европа тиллари асосида вужудга келган эсперанто тили ўн беш мингга яқин сўз ўзагидан ташкил топган бўлса, эльюнди тили эса фақат 200 га яқин сўз ўзагидан тузилган бўлиб, бу ўзаклар ҳеч бир халқ тилидан олинмаган. Сабаби, бу сўзларнинг ҳаммаси комбинациялар орқали ўйлаб топилган.

Ҳозиргача бу тилда ўн мингдан зиёд сўзга эга бўлган луғат тузилди. Шуниси қизиққи, сўзларнинг энг узуни 5—6 белгидан ошмайди. Эльюнди тили 16 та шахсий графемага эга: шулардан ўнтаси асосий, қолган олтитаси тўлдирувчи графемалардир.

Янги тилни қайси соҳаларда қўллаш мумкин? Тил қашфиётчисининг таъкидлашича, эльюнди тили халқаро тил вазифасини ўтай олади. Бундан ташқари, бу тил барча умуминсоний хабарларни сақлаб қолувчи тил ҳамда кишиларнинг машиналар билан оғзаки мулоқотида қўлланилувчи тил бўлиши мумкин. Эльюнди тилини ўрганиш катта қийинчилик туғдирмайди. Бунинг учун сўзларни механик ёдда сақлаб қолмасдан балки сўзнинг логик маъносига эътибор бериш зарур. Билимлар соҳасига келганда эса фақат оддий грамматик асосларини билсангиз кифоя.

Одесса медицина ходимлари ўйинда эльюнди клуби аъзоларининг сони кундан-кунга ошиб бораяпти. Мабодо, бу янги тилни ўрганмоқчи бўлсангиз, марҳамат, адресини маълум қиламиз: **270113, Одесса шаҳри, академик Королёв кўчаси, 35-уй, 131-хона.**

Асқиддин БАЛИЕВ, Москва.

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

ТАСС, АПН ва «Оқшом» мухбирлари ёзадилар

⊙ ЧОЙ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ!

Парагвайнинг ичган кишининг қувватига қувват қўшишдек ноёб хусуситга эга бўлган чой матэ деб номланади. Удумга кўра уни қумуш найча билан қумуш стаканда ичилади...

Парагвай пойтахти — Асунсьон шаҳрида ким кўпроқ ва тезроқ матэ ичиши бўйича мусобақа ўтказишга қарор қилинди. Ғолибни катта миқдордаги пул мукофоти — 250 минг гуаран кутарди. Врачлар бу «турнир»нинг ўтказилишига қарши чиқиб, организмга қисқа вақтда катта миқдорда қувват бериш ўта хавфли, дея огоҳлантиришган эди. Бироқ соврингa даъвогарлар сони 90 кишига етгач, турнир ўтказилди. Мусобақада 22 ёшли армия офицери Луис-Фария Каваньес ғолиб чиқди. У 21 минут ичида уч литр матэ ичди-ю, уч минутдан сўнг... юраги ёрилиб ўлди.

Врачлар фикрига қулоқ тутиш керак эди, деб ҳисоблайди Пренса Латина агентлиги.

⊙ СУВАРАКЛАРГА ҚАРШИ ЖАНГ

Японияннг «Исикудзаки Томару» фирмаси уй ҳашаротларига қарши курашишнинг мутлақо янги усулини ишлаб чиқди.

Қандала, суварак, куя, уй чумолилари ва бошқа ҳашаротларни қирувчи ультратовушли аппарат яратилди. У юқори ва ультра юқори товуш тебранишларини жамлайди. Аппарат (шартли равишда «Омне» деб номланди) маиший электр тармоғидан ишлайди. «Омне»ни деразаси ва эшиклари зич ёпилган хонада 25—30 минут ишлатиб қўйишнинг ўзи етади. Хонага қайтиб келсангиз у ерда ҳашаротлар бўлмайди. Фақат бундай аппарат ҳали жуда қиммат туради, деб хабар беради Японияннг Киодо Цусин агентлиги.

Француз киносининг юлдузи Жан-Поль Бельмондо. Ана шу номнинг тилга олиниши билан совет томошабинлари кўз олдида актёр кино экранларда зўр маҳорат билан ижро этган қатор роллар бирин-кетин ўтади. Аммо Жан-Поль ўз фаолиятини театр саҳнасидан бошлаганлигини, 28 йиллик танаффусдан сўнг — 1987 йилда яна театр саҳнасига қайтганлигини камдан-кам одам билади. Ҳозир артист «Сирано» пьесасида янги образ яратяпти. Ҳадемай ана шу спектаклнинг премьераси ҳам бўлса керак.

⊙ ҚУЗИҚОРИН «ЖАНГИ»

Австрия ва Италия ўртасида ҳақиқий «қўзиқорин уруши» авж олди. Австрия божхона маҳкамалари ва жандармерия бўлинмалари ҳарбий ҳолатга келтирилган. Бунинг сабаби шундаки, икки давлат ўртасидаги Кавинтя, Шарқий Тироль ва Штирия ўрмонларига италиялик қўзиқорин шинавандаларининг бир тўдаси ёпирилган. Италияликлардан бири ўзига хос рекорд ўрнатган: унинг автомобили багажнигидан 90 килограмм қўзиқорин топилган.

⊙ ЖАРРОҲ «АФСУНГАРЛИК»КА ҚАРШИ

Сьерра-леоналик жарроҳ Аҳмад Куабак беморнинг кўкраг қафасидан олтита тикув игнаси ва соч тўғноғичини олди.

Сўнгги уч йил мобайнида 24 ёшли Кади Конте қаттиқ оғриқдан қийналаётган эди. У мамлакатнинг йирик касалхоналарига мурожаат қилди. Лекин бу фойда бермади: мутахассислар фақат елка қисишарди.

Бу орада қўшнилар ва ёш аёлнинг таниш-билишлари: Кадини марҳум эри «хиёнат қилгани учун» сеҳрлаб қўйган деган бўлмағур гапни тарқатишди. Врач бу бўлмағур сафсаталарга ишонмади. Бироқ, операциядан сўнг у, «сирли равишда» аёл танасига кириб қолган игналар аввалига яхшилаб стерилизация қилинган, деган қарорга келган.

⊙ ЕР ОСТИ САЛТАНАТИДАГИ ЁРУҒЛИК...

Африканинг энг катта ер ости салтанати — Эфиопия пойтахти Аддис-Абебадан 500 километр жанубий-шарқда жойлашган Соф Омар ғорида яқинда электр чироқлари порлайди. Эфиопиянинг туризм комиссияси Бале вилоятидаги оҳактошли маъдан қатламлари орасида Уэб дарёси ўйган ана шу карст ғорни «катта туристик маршрутга» қўшмоқчи.

Соф Омар Эфиопия мусулмонларининг зиёратгоҳи ҳисобланади. 40 та кириш ва чиқиш жойларининг бирида «табаррук тош»лар қалашиб ётибди. Афсоналарга қараганда, қадим замонларда бу ер муқаддас шайх Омарнинг манзилгоҳи бўлган. Кейинчалик ғорни унинг номи билан аташган экан.

Терроризм — XX асрнинг оғир жароҳатидир. Италия ана шу «хасталик» сурункали характер касб этган мамлакатлардан бири. Италия ҳукумати амалга ошираётган турли чора-тадбирларга қарамай терроризм мамлакатда авж олиб бораяпти.

СУРАТДА: тиржайиб турган мана бу жиноятчининг парвойи палак — у шерикларининг барча изларни йўқотишига тўла ишонади.

Соф Омарни ўрганишда ЭХДРга совет мутахассислари ёрдам беришмоқда. 1983 йил баҳорида ва 1985 йили ғорда СССР Фанлар Академиясининг спелеологик экспедицияси ишлади. Жорий йилнинг ёзида ғорни электрлаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг амалга оширилиши эса Соф Омарга минглаб сайёҳларнинг келишини таъминлайди.

Дилшод ЖАЛОЛОВ тайёрлаган.

Бир асар тарихи

ПЎЛАТ ҚАНДАЙ ТОБЛАНДИ

Коммунистга ҳеч нарса даҳшат сололмайди, китобнинг хулосаси шу, автор ҳаётининг якуни шу.

Юлиус ФУЧИК,
Чехословакия.

Мен бутун ҳозирги замон инглиз адабиётида ушбу китоб билан тенглашадиган биронта китоб борлигини билмайман.

Говард ФАСТ,
Англия.

Бундай ютуқни ҳар қандай даҳо ҳам орзу қиладн... Унинг китобларида ҳайратомуз қуйма новаторлик бор.

Мартин Андерсен НЕКСЕ,
Дания.

КОМСОМОЛЧАСИГА яшаш, ишлаш деганимизда кўз олдимизга ярқ этиб йиллар сурони оралаб ўз номларини шон-шавкатга буркаган кишилар келади. Ёш коммунарлар, чончилар, қишлоқ мухбирлари, рабфакчилар, кўк қўйлакчилар, зарбдорлар, ёш гвардиячилар, қўриқчилар, кўнгиллилар... Уларнинг номлари шундай эди. Улар ўз даврининг жасур кишилари эди. Уларнинг ўз фамилияси бор эди, албатта.

ВЛКСМ 50 йиллиги шарафига ўтказилган Бутуниттифоқ комсомол йўқламасида Қизил майдон узра қуйидаги фамилиялар янгради:

— **Виталий БОНИВУР!**

Унга шундай жавоб бўлди:

— Инқилоб солдати. Узоқ Шарқда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашчи. Оқ гвардиячилар томонидан ваҳшиёна ўлдирилган.

— **Николай ОСТРОВСКИЙ!**

— Биринчи отлиқ Армия жангчиси, большевик ёзувчи Николай Островский сўнгги нафасигача сафларда қолди! Йўқламада кўплаб мангу барҳаёт комсомоллар номи тилга олинди. Лекин Николай Островскийнинг номи тилга олиниши билан байрам аҳли бир қалқиб тушди.

НИКОЛАЙ ОСТРОВСКИЙ...

Бу ном миллионлаб совет кишилари учун азиз ва мўътабардир.

Болалигимизда ўт-олов эдик. Қайси фильм қаҳрамонларига ўхшашни орзу қилмадик.

Бир куни «Павел Корчагин» бадиий фильмини кўрдик. Бутун кўрган киноларимиз, таассуб қилган қаҳрамонларимиз чил-чил бўлди. Ҳаммамиз Павкани севиб қолдик. Рита Устиновичга хат ёзмоқчи бўлдик. Уни тирик деб ўйлардик-да. Павка Корчагин фильм охирида романнинг илк сатрларини ёзган-да, «ишқилиб хато қилмасин», деб юрак ҳовучлаб ўтирдик. Павел Корчагин шу зайлда биз—маҳалла болаларининг ҳаётига кириб келди. Кириб келдиб бизни бирданига икки-уч ёшга улғайтирди.

Павел Корчагин билан Тошкент Давлат университетида яна қайта учрашдик. Унинг асл номи Николай Алексеевич Островский экан.

— Нега бундай? — сўрадим ундан.

— Китоб ўз ҳаётимку!— кулди у. — Ахир ўз номимни қўёлмайманку.

— Биз Павкани севиб қолгандик, — дедим куюниб.

— Бунинг нимаси ёмон! — кўзларини шўхчан қисиб қўйди у. — Демак, мени севган экансизлар!

Ҳа, биз уни — Колька Островскийни севган эканмиз! Бунг «Пўлат қандай тобланди» номли ажойиб романни ўқиб чиққанимдан кейин билдим. Романни ўқиб чиқишимга эса рус тили ўқитувчиси Динара Самигуллина сабаб бўлганди.

Ҳар гал сессия топширилганда зачёт ёки имтиҳон топширишдан олдин у мустақил ўқиган бадиий китобнинг мазмунини сўрарди. Бир гал чала-чулпа ҳикоя қилаётувдим, Самигуллина мени тўхтатди:

— Яхшилаб ўқиб, кейинги сафар айтиб берасан!

Шундай қилиб, мен Николай Островскийни қаттиқ муҳаббат билан севиб қолдим.

НИКОЛАЙ ОСТРОВСКИЙНИНГ ХОТИРАЛАРИДАН:

«Менда ўзим гувоҳ бўлган, кўп ҳолларда ўзим иштирок этган воқеаларни ёзиш истаги бор эди. Лекин комсомолда қаттиқ банд бўлишим туфайли, бунга вақт тополмадим, шунинг учун бундай масъулиятли ишга ўтиришга журъат қилолмадим.

...Ҳаёт менинг олдимга янги қурол билан қуролланиш вазифасини қўйди. Токи мен бу қурол билан бутун фронт бўйлаб олға бораётган пролетариат сафига қайта олай...

Ёзувчининг рафиқаси Раиса Островскаянинг хотирлашича Николай Островский Евпатория ва Новороссийскда даволанаётганда гражданлар урушидаги бошидан кечирган воқеаларни ҳаяжон билан бир неча марта эслаган. Худди шу воқеалар кейинчалик асарнинг асосини ташкил қилган.

НИКОЛАЙ ОСТРОВСКИЙНИНГ П. Н. НОВИКОВГА ХАТИДАН:

Менда ҳаётимга мазмун киритадиган, ҳаётнинг ўзи мени сафга қайтарадиган планим бор. Менинг оёқларим ишламаслиги, мутлақо кўрмаслигим — тасодиф холос, тақдирнинг иблисона ҳазили... Тарихийлирик — қаҳрамонлик қиссасини ёзишга тайёргарлик кўряпман. Агар ҳазилсиз айтсам, жиддий ёзмоқчиман. Билмайман, нима бўлади. Ҳозир кечаю кундуз ўқияпман.

1927 йилнинг охирида Островский ўзи бир пайтда бирга жанг қилган Г. И. Котовскийнинг отлиқ бригадаси ҳақида мўъжазгина қисса ёзади. Қўлёзмани Одессага, котовскийчиларга жўнатади. Не бахтки, улардан қизғин маъқулланган мактублар олади. Лекин... авторга қайтиб келаётган қўлёзма, номаълум сабабларга кўра йўқолади. Айрим адабиётчиларнинг, айниқса, К. Зелинскийнинг таъкидлашича, ушбу қўлёзма «Пўлат қандай тобланди» романининг илк варианти бўлган.

Москвага кўчиб келгач, адиб роман устида жиддий иш бошлайди.

Ҳар бир онгли, тасаввур қила оладиган инсон иккала кўзининг нури йўқолган, лекин иродаси метин комсомол адибнинг чеккан азоб-уқубатларини кўз олдига келтира олади. Қаторлар қатор устига чаплашиб кетар, ҳарфларни умуман ўқиб бўлмасди. Охири Николай Островский уни айтиб, ёздира бошлади.

НИКОЛАЙ ОСТРОВСКИЙНИНГ ХОТИРАЛАРИДАН:

Дўстингга хат ёзганингда сени тўлқинлантирган фикр ва ҳаяжонларингни ўз қўлинг билан лўнда ва ёрқин ёза олишинг мумкин. Бунг ҳамма билади. Лекин ўша хатни бегона шахсга айтиб туриб ёздирсанг, кўп ҳолларда у нурсиз ва ҳиссиз бўлиб қолади.

Ҳар қанча қийин бўлмасин романнинг биринчи қисми 1931 йилда ёзиб тамомланади. Муаллиф унинг бир нусхасини «Ёш гвардия» нашриётига, иккинчи нусхасини эса шу нашриётнинг Ленинград бўлимига юборади. Бахтга қарши «Ёш гвардия» романни рад этади. Ленинграддан эса умуман бироита хабар ҳам келмайди.

Шундан сўнг роман «Ёш гвардия» журналига тавсия этилади. Роман маъқулланади ва журналнинг 1932 йил 4, 5, 6, 7, 8, 9-сонларида эълон қилинади. Шу йилнинг кузида эса «Пўлат қандай тобланди» романининг биринчи қисми алоҳида китоб ҳолида чоп этилади.

НИКОЛАЙ ОСТРОВСКИЙНИНГ А. ЖИГИРЕВАГА ХАТИДАН:

Мен бугун ҳаракатдаги жангчиман... Романнинг иккинчи томи устида иш бошладим... Нақ отдек ишлаяпман, Тунлари, албатта. Ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳалақит бермайди.

Китобни ёзувчига олиб келишади.

— Чиқдими? — унинг ўткир кўзларида олов чақнади. Островский қўли билан китобни пайпаслади. Муқовасини синчиклаб текширди. Юзларига табассум ёйилди.

— Нима бу? Барграрми? Ҳаётку бу аслида! Мана бу эса найза. Рассомга раҳмат, китобнинг мазмунини тўла англабди. Ҳаёт курашлар эвазига қўлга киритилади.

Николай Островский роман устида умрининг охиригача тинимсиз ишлади. Унинг тилини қаттиқ парлаштирилади, янги саҳифалар билан тўлдиради. Бир сўз билан айтганда уни бошдан-оёқ қайтадан кўриб чиқади. 1934 йиллар эса асар яхлит ҳолда иккала қисми бирлаштирилиб босмадан чиқади. Муаллиф эса 1935 йилда Ленин ордени билан тақдирланади.

Павел Корчагин — Николай Островский куйлаган ҳаёт қўшиғи мангу жаранглаб қолди.

«Унинг қўшиғи кўпиртирилган таржиман ҳол эмас. Унинг қўшиғи ажойиб асар!» — Бу сўзларни ёзганда машҳур совет ёзувчиси Борис Полевой қандай ҳолатда бўлган, билмадим. Лекин бизлар ушбу сатрларни ҳаяжонланмасдан ўқий олмаймиз.

Романни ўқиган ёшлар учун Островскийнинг номи байроқ бўлиб қолди. Ҳамма унга ўхшашни орзу қилди. Оёқдан ажралган Николай Островский Павел Корчагин бўлиб оёққа турди ва иккинчи абадий барҳаёт умрини бошлади.

— Қасамёд қиламиз Николай, аблаҳ душманлар билан сен қандай жанг қилган бўлсанг, шундай жанг қиламиз! — Студент ёшларнинг Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидаги аҳди шундай эди.

— Қўриқнинг бир қисмини забт этдик. Афсуски, сен орамизда йўқсан, Николай! — Бу Қозоғистон даштларининг забткори бўлган комсомоллар қўмитасининг дил сўзлари.

Ҳар бир қаҳрамонга Павка Корчагиннинг ҳаёти ибрат, жасорат мактаби бўлди. Шундай бўлиб қолади.

Николай Островскийнинг китоблари 394 марта нашр қилинди. Уларнинг умумий тиражи ўн миллиондан ошиб кетди. «Пўлат қандай тобланди» романи Иттифоқимиз халқларининг 52 тилига таржима қилинди. Павел Корчагин ўз жасоратини сўйлаб ҳар бир эшикка кириб келди.

Романни ўқиб чиқаману, ўйга толаман. Ҳаётдаги оддийгина қийинчиликларга дуч келганда дод-вой соламиз. Уни бартараф этишга куч тополмаймиз. Островский-чи? У ўз иродаси билан, ўз виждони билан, ҳаётга бўлган улкан севгиси билан ажални ҳам таслим қилди.

Романни ўқиб чиқаману ўйга толаман: Мана, пўлат қандай тобланди! Беихтиёр машҳур комсомол, авлодим қуйчиси Николай Островскийнинг сўзларини такрорлайман:

—«Инсон учун энг муқаддас нарса—бу ҳаёт. У инсонга бир марта берилади, уни шундай яшамоқ керакки, бемаслак, бемақсад яшаган йиллар азобга солмасин, майда-чуйда ва аблаҳона ўтмиш номус ўтида куйдирмасин, ўлаётганда бутун ҳаёт ва бутун кучим, дунёдаги энг гўзал ишга — инсониятни озод қилиш ишига бағишланди, дея олсин».

Николай Островский шундай яшади. Павел Корчагин шундай яшади. «Пўлат қандай тобланди» шундай яшамоқда!

Темур ИЎЛДОШЕВ.

Меҳрнинг товланиши

Қатра

Янги келин лаганга сузилган ошни дастурхоннинг ўртасига қўйди:

— Бошланг, дадаси, — деди Хури опа, — келинингиз ихлос билан ош қилибди.

— Қани, олинглар. Барака топсин келиним. Жавлон ака, шўр, гуручи тирик, «китир-китир» паловни чайноқлаб, Хури опага: «Овқатни ёмон дема, индамай еявер, келиннинг кўнглига келмасин», деган маънода имо қилиб қўярди.

— Ошим ўхшамапти, — деди келин озгина тотингач, қўлини сочиққа артиб.

— Секин-аста ўхшатиб қоларсиз, — юпатди Жавлон ака.

Ошнинг чорак қисми ҳам ейилмади. Қолгани молнинг емига қўшилди.

— Сўраб ўрганиш айб эмас, болам, — насиҳат қилди эртаси тонгда қайнана келинига, — сўрасангиз ўргатардим. Қаранг, қанча масаллиг исроф бўлди, қанча меҳнат.

Қайнана: «Хўп ойижон, сўраб-сўраб билмаганимни ўрганаман сиздан», деган гапни кутди-ю, садо чиқмади. Келини зўрға: «Ўрганиб қолярман», — дея ҳовлидаги хазонни супира бошлади. Кўча дарбозасига яқинлашганда қўшни аёлнинг қайнанасига мақтанаётганини эшитди.

— Келиним пазанда экан. Қилган овқатлари бир-биридан ширин. Сизларга ҳам қилган ошидан озгина илиндим. Олинг, — қўшни аёл қўярда-қўймай Хури опага бир коса ош тутқазди.

— Менинг келиним ҳам мақтаса мақтагудек, қўшнижон, — деди опа ҳам бўш келмай ошни оларкан, — овқатгаям пазанда, қўли гул. Юмушгаям чаққонки бирам...

Янги келиннинг қайнанасига меҳри товланиб кетди.

— Ойижон, — деди у, — бугун ошга уннайман. Кам-кўстини ўргатиб турасиз, а? Ширин бўлса қўшнининг косасига ҳам ош солиб чиқарамиз.

— Хўп болам, уннайверинг. Қўшнининг ошидан ҳам ширин бўлиб кетсин паловимиз.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

Бу—қизиқ

«ҲЕЧ БИР СИМСИЗ ЕРИТАДИ»

Массачусет технология институти (АҚШ) олимлари кумуш ва титан икки оксидидан шундай бир қатлам ишлаб чиқдиларки, у лампочкага сурилганда ёруғлик нурларини аъло даражада ўтказиб, иссиқлик таралишига жиддий тўсиқ бўлади. Бундай қатлам лампочкаларнинг ички томонига сурилади. У ёритишга бир оз халақит берса-да, спиралдан ажраб чиққан иссиқликни тағин спиралга қайтаради. Натижада спираль яна ҳам кучлироқ ёруғлик тарқата бошлайди.

Янги лампочка одатдагидан 60 процент кам энергия талаб қилади ва 2—3 марта кўпроқ (2500 соат) хизмат қилади.

ҚОРДАГИ ОЛТИНЛАР

Сўнгги пайтларда геологларнинг ботаникага қизиқиши ортиб кетди. Бунинг сабаби шундаки, кўпгина ўсимликлар тупроқдаги у ёки бу кимёвий элементнинг концентрацияси ортганлиги ҳақида маълумот бераркан. Бу эса ўз навбатида ўша элементга онд руданинг яқин атрофда эканлигидан дарак беради. СССР ФА Сибирь бўлими Геология институтининг Бурятия филиали олимларининг фикрича, бундай табиий «хабарчилар» сафини анчайин кенгайтириш мумкин. Масалан, олтин қидириш ишларида қор ҳам ёрдам бериши мумкин экан.

Олимлар ажойиб тажриба туфайли шундай хулосага келишди: текширувчилар қиш охирлаб қолганда олтинга бой машҳур жойдаги ерга тегмаган қор қатламидан синаш учун олдилар. Шунда нима бўлди денг? Ўта сезгир текширув усуллари «синовдаги» қорда қимматбаҳо металл миқдори одатдагидан кўпроқ эканлигини кўрсатди.

ЧИҚИТДАН АЛЮМИНИЙ

Шаҳар ахлатхоналаригa келиб тушадиган чиқиндиларнинг керакли қисмларини ажратиб оладиган кўпгина лойиҳалар мавжуд, бир қанча қурилмалар эса қачонлардан буён бу ишларни бажариб келмоқда. Бундай қурилмалар ичида чиқиндидан алюминий «ажратиб оладиган» электродинамик сепаратор ўзига хос ҳисобланади. Бироқ магнит алюминийга таъсир этмайди-ку? Унда қандай қилиб унинг ёрдамида алюминий ажратиб олинади? Маълум бўлишича, алюминий жисмларига ўзгарувчан ток юборилса ва ҳосил бўлган электр майдонида алюминий жисмлар аралаштирилса, шунда бу металл ҳам қандайдир бир муддатга магнитланар экан. Худди мана шу вақтда у магнит «қўлга» тушади (пўлат ва темир жисмлар ҳам аралашма таркибидаги магнит ёрдамида алюминийдан олдин ҳеч бир электр ёрдамисиз ажратиб олинади).

Шу мақсадда сув сепаратори ҳам ишлатилади: чиқиндихона минерал қўшилиб зичлигі оширилган сув билан тўлатилади, шунда анчайин енгил алюминий бўлаклари сув юзасига қалқиб чиқади. Кейин эса уларни йиғиб олиш ва металлургия заводларига жўнатиш қолади. Корхонада эса улар симга, металл листларга, зар қоғоз ва бошқа алюминий маҳсулотларига айлантирилади.

Адҳам ДАМИНОВ тайёрлаган.

Гўзалнинг кўзлари

Кўзлари жон оламан дейди,
Қалбингга ишқ соламан дейди.
Сен мабодо узук эсанг гар
Мен ёқут кўз бўламан дейди.

Гар ишқингни айласанг ошкор,
Саодатга тўламан дейди.
То ўлгунча бўлиб вафодор
Йўлларингда толаман дейди.

М. Назаров фотоси.

Санъатнинг сеҳрли олами

Олови сўнмас Прометей

Саҳнага қоронғи тушиши билан залда оркестрнинг мунгли оҳанги ва хор группасининг хониши янгради. У борган сари авжга миниб кучли фарёдга айланди.

Бугунги кунда ўзбек саҳнасида — Муқимий номидаги ўзбек Давлат музикали драма театрида қўйилаётган антик афсона шундай бошланади. Ю. Марцинкявичюснинг «Сўнмас аланга» музикали драмаси композитор Мустафо Бафоев ва Рустам Бобожонов режиссёрлигида тайёрланди. Премьера Сулаймон Раҳмон таржимаси асосида комсомолнинг 70 йиллигига бағишлаб саҳналаштирилди.

Спектаклдаги воқеалар гирдобида персонажлар тўқнаш келади. Заминнинг оғир чарҳини ёритгичнинг нури алоҳида ёритади. Бу унинг она ер тақдири, унда яшовчи жамики тирик мавжудотлар қисмати ҳақида ҳикоя қилаётганлигининг ишорасидир.

— Аланга замирида эзгулик ва ёвузлик ётади. Сен уларнинг қай биридан фойдаланмоқчи эдинг?— деб сўрайди Прометей Зевсдан.

Ўт одамлар бошига ҳам мусибат келтиради ҳам яшашига ёрдам беради.

Бугунги кунда бутун инсониятни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган атом қуролидан ҳам яхшилик, ҳам ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Шу рамзий маънога кўра премьера Ер юзида тинчликка интилаётган кишининг эзгу ниятларини акс эттиради.

Бундан ташқари у шундай бир картинаки, ундан сиёсатни ҳам, бугунги кунни ҳам, чиркин иллатларимизни ҳам, инсонийликнинг юксак оламини ҳам кўришимиз мумкин.

Зевс кишилар қўлидаги оловни тортиб олмоқчи бўлганда:

— Алангангизни берманг, одамлар!— деб ҳайқиради Прометей.

Унинг ҳис-туйғу ва азоб-уқубатларини ифода этишда композитор М. Бобоевнинг хизмати катта. У Европа стилига хос скрипка ноласи, гармон жўрлигида қаҳрамоннинг ички дунёсини очиб беради.

Изтиробдан толиққан Прометейнинг жисми музика оҳангида оҳиста тебранаркан, занжирбанд қўллари мушт бўлиб тугилади, навқирон қиёфаси ғамга ботган, иложсизликдан инграйди.

Драманинг томошабин хотирасида муҳрланган жойи шундаки, одамлар бойлик орттириш учун ҳанузгача ўзларини абадий қулликка маҳкум этганликларини билмай қоладилар.

— Бойлик кетидан қувиб, нафс балосига учиб, оловингизни берманг одамлар!— дейди қаҳрамон.

Гўё саҳнада қадимги афсона воқеалари эмас, қаҳрамонимиз бугунги кун кишиларига қараб ҳайқиради. Ана шундай ҳаётийликка эришган актёр Насридин Рустамов ҳақида режиссёр Р. Бобохонов шундай дейди:

— Баъзан кечалари «Мана бу ерини ундай қилсак, бундай ўзгартириш киритсак қандай бўларкин?» —деб қўнғироқ қиларди...

Спектаклнинг ўзига хос томонларидан яна бири шундаки, унда замонавийлик ҳам бор. Бу Зевснинг севган ўйинида ўз аксини топишидир. Қилич ва ханжарлар қаторида каратэ ҳам саҳнага чиқди. Режиссёр Р. Бобохонов бундан Зевснинг ички дунёсини, қора ниятларини очиб беришда фойдаланади.

Прометейнинг маъшуқаси билан учрашув саҳнасида ҳам балет элементларини кўрамиз. Чаққон ва нафис ҳаракатлар, музикали қўшиқлар муштарак бўлган бу романтик эпизод Прометей маъшуқасини қўлларида баланд кўтарган ҳолатда тугалланади. Сўнгра у жўшқин монолог айтади.

Умуман олганда, ушбу саҳна асари томошабинларда яхши таассурот қолдиради.

Комила СУЛТОНОВА,
ТошДУ студенти.

Ҳар тўғрида

Ноёб операция

Саудия арабистонилик Солиҳ Аввад аш-Маҳлафийнинг ухлаб тургандан кейин қулоғи оғрий бошлаган. Оғриқ кучая борган сари унинг аҳволи ёмонлашган ва врачларга мурожаат қилган. Текширишда маълум бўлишича, унинг қулоғига чаён кириб кетган экан. Моҳир хирурглар шошилинч чоралар кўриб Солиҳнинг қулоғидан узунлиги 5 сантиметрлик чаённи операция қилиб чиқариб олишган. Чақса ўлдириши мумкин бўлган бу газандани бемор қулоғида ўн соатча олиб юрган.

ва... нозик операция

Москва шаҳридаги Кўриш қобилиятини тиклаш марказида ниҳоятда нозик операция амалга оширилди. Бундан 18 йил аввал жароҳатланиб, кўр бўлиб қолган беморнинг кўзи даволанди. Унинг чап кўзи куйган бўлса-да, лекин яшаш қобилиятини сақлаган, ўнг кўзининг асаб толалари эса бутунлай шикастланган эди. Жарроҳлар ўнг кўздаги шоҳ пардаларини чап кўзга кўчириб ўтказишди. Энди бемор яхши кўряпти.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

Гул иси. А. Чаплигина фотоси.

Турфа олам

КЎЗИНГИЗНИ... КЎРСАТИНГ

Америка Қўшма Штатларидаги ўғирликлар ва босқинчиликлар қўлами муҳофаза қурилмаларининг янгидан-янги турларини ўйлаб топишга мажбур қиляпти. Компьютерлаштирилган система ана шу соҳадаги энг сўнгги янгилик бўлди. Мазкур системага ҳонага кирмоқчи бўлган кишининг кўзига биргина «назар ташлаш»нинг ўзи кифоя — 1,5 секунд ичида у ташриф буюрган кишини уйга киритиш мумкинми ёки йўқми «ҳал қилади».

Гап шундаки, бармоқ изларидан ҳар бир киши кўз қорачиғининг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. Компьютернинг иш принципи ҳам айнан шунга асосланган.

МУЗИКАЛИ МАРАФОН

Майк Бакли Чикагодаги чолғу асбоблари магазинларидан бирининг витринасига ўтириб олиб, 276 соат мобайнида тинмай гитара чалди. Музикали марафон ўттиз ёшли гитарачининг тинкамадорини қуритиб юборди, ҳатто бармоқларининг териси шилиниб, қонай бошлади. Аммо рекордчи созанда мам-

нун бўлиши мумкин — магазин эгалари унга ноёб гитарани совға қилдилар.

НОДИР НАШР

Хитой Халқ Республикаси тарихида биринчи Ой тутилишларининг альбоми нашр этилди. Уни Коинот сирларини ўрганувчи мамлакатдаги етакчи тадқиқот марказларидан бири — Хитойдаги энг катта Цзиньшань обсерваториясининг ходимлари чоп этдилар.

Мазкур нашр ниҳоятда нодир ҳисобланади. Унда 1500 йилдан бошлаб то шу кунга қадар бўлиб ўтган Ой тутилишлари устида олиб борилган кузатув ва тадқиқот натижалари қайд этилган. Альбомга шунингдек, 3000 йилгача бўладиган Ой тутилишларига доир прогнозлар киритилган.

Хитой олимларининг асари нафақат илмий аҳамиятга эга, шу билан бирга у кўпчиликнинг билим доирасини ҳам кенгайтиради.

МУШУКЛАР ЎЗ ЭГАСИНИ ҚУТҚАРИБ ҚОЛДИ

Итларнинг бир неча марта мушкул вазиятга тушиб қолган одамларни қутқаргани ҳақида жуда кўп ҳаққоний ва таъсирли воқеалар маълум. Японияда тўрт оёқли дўстларимизнинг садоқатини ниҳоятда эъзозлашади. Мамлакатда ҳатто итга ўрнатилган ҳайкал ҳам бор. У «Сибуя» темир йўл станциясида ўрнатилган. Буни қарангки, оддий хонаки мушуклар ҳам қаҳрамонларнинг ҳавф остида қолдириб бўлса-да, ёрдам беришга қодир экан. Улар Япония пойтахти яқинидаги Нагано шаҳрида истиқомат қилувчи аёлни нақ ўлимдан қутқариб қолдилар.

Фудзико Накамура исмли уй бекаси эрталабданоқ ўзини нохуш сеза бошлади, шунинг учун эрини хизматга, болаларини мактабга кузатиб қўйганидан сўнг бироз ётиб, дам олмоқчи бўлди. Кутил-



маганда у севимли мушуклари Муку ва Моку боши узра сакраб, кийими этакларини тортқилаётганлигидан уйғониб кетди. Ўзига келиб, теварак-атрофни кўздан кечирган уй бекаси хона аччиқ тутунга тўлганлигини, ошхонада эса аланга авж олаётганлигини кўриб қолди. Шундан кейингина Накамура хоним чойнакни ёқилган газ плитаси устида қолдирганини эслади.

Зудлик билан етиб келган ўт ўчирувчилар ёнғиннинг квартирага ёйилишига йўл қўймай уни ўчирдилар. Эгаларини қутқариб қолган мушуклар эса севимли таомлари билан сийланди.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

31 октябрь—6 ноябрь

⊙ Гуллар қийғос очилиб, нишқий қўшиқ куйлаганда...
Р. Шарипов фотолари.

Митти ҳажвлар

«УЧ МИХ ҚОИДАСИ»

Бир соҳага қарашли икки корхона мудири бир-бири билан тажриба алмашиб туришн табиий...

— Сенда ишлар яхши кетаяпти чоғи, мажлисларда мақташади, намуна қилиб кўрсатишади... Бунинг сири асоридан мени ҳам воқиф қилсанг, дўстим...

— Э, бунинг сир-пири борми, оғайни. «Уч мих қоидаси» билан ишла, тамом-вассалом!

— У нимаси! «Корхона учбурчаги» деган иборани биламан, зеро ўзим «Учбурчак»нинг бир учиман.

— Столимда учта мих бор, учларини тепага қилиб қоқтирганман. Ўзинг биласан, нима кўп — қоғоз кўп: турли ҳисоботлар, ҳар хил ташкилотлар билан ёзишмалар, ахборотлар, маълумотлар ва ҳоказо... шу кабилар...

— Ҳа-ҳа шунақа, бизда ҳам... Бир танқиди ёзувчи, ҳаттоки, «одам қоғоздан пайдо бўлганлигини исботловчи» бир ҳикоя ҳам тўқиптн деб эшитганман.

— Ҳа энди, тўқиган бўлса, тўқигандир, аммо мен ўқимадим у ҳикоянн. Шу, қоғоз келди дегунча, унн ўқимай биринчи михга суқиб қўявераман. Орадан маълум вақт ўтгач, баъзи [ҳаммаси эмас, муҳим жойн шу масаланинг!] қоғозлар ҳақида эслатма келади: «Фалон қоғозга жавоб беринг!». Уша қоғозни биринчи михдан топиб, шартта иккинчи михга суқиб қўяман. Яна бир неча кундан сўнг худди шу қоғозни эслатиб, «Унинг жавоби эртадан кечикмасин!» деган буйруқ келади. Қоғозга хомаки жавоб тайёрлаб, уни учинчи михга ўтказаман...

— Қизиқ технология... Хўш-хўш, кейинчи!

— Э, қизиқмисан, ошна. Учинчи михгача камдан кам қоғоз етиб келаркан. Ишни илмий-статистик асосда ташкил қилиш дейнлади бунн оғайни. Қоғозлардан тежалган вақтим ҳисобига корхона ишлари юришиб кетди-да...

ТЎНКА КАВЛАШ

(Қадимий ривот)

Бир йигитнинг дўсти кўргани келди. Унн дўстининг отаси кутиб олди.

— Ассалому алайкум, отахон! Саломатмисиз! Дўстимда ишим бор эди. У кўринмайди!

— Ваалайкум-ассалом, баракалла. Чорбоғда бир тўнка бор эди, оғайнинг ўшани кавлагани кетди.

— Қачон келаркин!

— Буниси унинг ақлу фаросатига боғлиқ... Агар у тўнканинг атрофнни кенг ва чуқур олса, ҳализамон келиб қолади, агар торроқ кавласа кечгача ҳам келмас-ов...

Ҳисса. Йирик ва қийин муаммолар чуқур ва атрофлича муҳокама қилинса, кутилган натижага эришилади.

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ.

Шингил фикрлар

Ота фарзандига насиҳат қиларди, фарзанд тингламади. Она фарзандини оналарча койнди. У қулоқ солмади. Вақти келиб фарзанд халққа юзланди. Халқ унн тингламадн...

⊙

У гўдаклигида катта тошни кўтара олмаганди. Оламда бундан бўлак оғир нарса йўқ бўлса керак деб хулосаладн у. Улғайди, битта сўз билан инсонликдан чиқиб қолишига оз қолди. Ўйлайди энди. Сўздан оғир нима бор!

⊙

Хаёлан менн гоҳ ғолибларнинг оқ отига, гоҳ мағлубларнинг қора отига миндирасан, умримда ҳеч қачон от минмаганимдан эса сенинг хабаринг йўқ.

⊙

Юрак қадрли эди. Баногоҳ ўз ўрнидан тушиб кетиб, қадрини йўқотди, оёқлар остида топталатиб кетди. Негадир ҳеч ким «Сен юрак эдинг», деб уни тан олмади. Юрак яна адолатсизлик қурбони бўлди

⊙

Дунё қизиқ, кимсалар оёқларингга тикилиб сени қулашингни кутишади, сенга ўхшаганлар эса бу остин-устун жаҳоннинг ранг-баранглигига термулганча ўтиб кетаверар экан.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ.

31 октябрь

Душанба

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Узоқ кузатишлар». Бадиий фильм. 11.10 Янгиликлар. 11.20 СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолғу ақадемик оркестрининг концерти.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожектори». 16.20 «Флуарави» халқ куйлари оркестри иштирокида музикали программа. Кишиневдан кўрсатилади. 17.00 «Ҳамма таклиф этиладн». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.20 «Қувноқ стартлар». 18.05 «Сиз яратган боғ». 18.35 XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 19.05 Футбол шарҳи. 19.35 Ядро полигонида тинчликка хизмат қилувчи портлаш. 20.00 Шеърият лаҳзалари. 21.30 «Время». 22.00 «Қайта қуриш прожектори». 22.10 Концерт. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.15 «Телетомошабин ҳамроҳи».

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Уқув программалари

* * *

13.00 Қисқа метражли бадиий фильмлар. 14.15 «Тўртовлон суҳбати». Фильм-концерт. 15.00 Янгиликлар. 15.10 «Шаҳар навбатчилигини қабул қилдим». Бадиий фильм, субтитр билан.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 Ҳужжатли фильм. 19.15 Чет эл фильмлари экрани. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Нурафшон далада». Концерт. Тюмендан кўрсатилади. 21.10 «Тетива». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.20 «Қайта қуриш прожектори». 21.30 «Время». 22.00 Футбол. СССР чемпионати. «Арарат» — «Динамо» (Киев). «Зенит» — «Днепр». 23.50 Янгиликлар.

⊙ ЎзТВ

16.30 «Эркакча гап». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Қора товуқ». Мультфильм. 18.35 Болалар учун. «Бойчечак». 19.05 «Космогония». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.15 Долзарб интервью. 20.30 «Ахборот». 20.50 СССР халқ артисти Жўрабек Муродов куйлайди (такрор.). 21.30 Москва. «Время». 22.00 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.10 «Инсон ва қонун». Бевосита мулоқот. Кўрсатувда республика ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг раҳбарлари иштирок этадилар. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.20 «Бир умрга татигулик куй». Телефильм. 19.45 «Тулпор». Отлар ҳақида эшитилган киноловҳа. 19.55 «Аломат Иегудиил Хламида». Бадиий фильм.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.00 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.10 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм (рус.).

1 ноябрь

Сешанба

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Қувноқ стартлар». 9.50 М. Рошчин. «Эшелон». Москва. «Современник театрининг фильм-спектакли. Танаффус пайтида (11.15) — Янгиликлар. 12.20 «Боян» рус халқ оркестрининг концерти.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожектори». 16.20 Қозон Давлат университетининг хор капелласи куйлайди. 16.50 «Арзамас истиқболи». 17.00 Болалар учун фильм. 18.20 Шостакович номли Давлат квартети чалади. 18.30 XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Ватан дарахти». Мультфильм премьераси («Союзмультфильм»). 19.45 «Олам кинокамера кўзгусида». 21.15 Белоруссия ССР «Новий бит» колхози Маданият уйи «Крупицкие музики» фольклор ансамбли ижро этади. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Т. Абуладзе фильмлари телеэкранда. «Тавбатазарру».

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Уқув программалари

* * *

13.35 «Жума — дам олиш куни эмас». Бадиий фильм. 14.20 «Флуераш» халқ куйлари оркестри иштирокида музикали программа. 15.00 Янгиликлар. 15.10 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Мардлик» (А. Довженко номли киностудия). 5-серия. 16.20 Спорт майдони. Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси.

* * *

18.30 Янгиликлар. 18.40 «Мўлжалга ол». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин кичкинтойлар! 20.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Ҳужжатли фильмлар экрани. 23.00 Янгиликлар. 23.10 «Тонгги почта». Музикали кўрсатуви (такрор.).

⊙ ЎзТВ

15.00 «Муҳаббатнома». Бадиий фильм. 16.30 «Умиднинг оқ белбоғи». «Тоза доска». Телефильмлар. 17.30 ЎзССР тарихи. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мардлик — мангулик». 19.00 «Сиёсий ва иқтисодий билимлар — қайта қуриш ишига». 19.30 Ўзбекистон педиаторлари III съездининг қатнашчилари билан учрашув. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Оренбург тивит рўмоли». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Меҳнат ва зафар қўшиқлари. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Долзарб дамлар қадри». 22.35 Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг 70 йиллигига. «Театр ва замон». 23.40 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Исёнкор застава». Бадиий фильм. 21.00 «Сув — ҳаёт манбаи». Бўзсув каналининг тозаланиши ҳақида.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Зўр ўтирибмиз!», Бадиий, фильм.

2 ноябрь

Чоршанба

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Бедарак йўқолган швед». Бадиий фильм (ВХР—Швеция). 10.30 Мультфильмлар. 11.00 В. Драгунский ҳикоялари асосида болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар. 12.00 Янгиликлар. 12.10 «Оламга саёҳат». Киноальманах. 13.10 «Қўшиқ излаб». Астрахандан кўрсатилади.

* * *

16.00 Янгиликлар 16.15 «Қайта қуриш прожектори». 16.25 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.45 «Дунё болалари нималар ҳақида куйлашяпти?». Зелена Гура шаҳрида бўлиб ўтган болалар қўшиқлари фестивали. 17.45 «Мангуликка айланган лаҳзалар». «Уорлдпрессфото—88»дан репортаж. 18.15 Фалсафий суҳбатлар. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Сеанс». Катталар учун мультфильм премьераси. 19.50 «Қалбдаги ҳаётбахш ўзгаришлар». Телевизион очерк. 20.20 «Камо монологи». Телевизион фильм - спектакль премьераси. Автор — А. Зурабов. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Резонанс». Халқаро журналистика; ошкоралик ва фикрлар плюреализми. 23.45 Ксения Георгиади куйлайди.

⊙ МТ II

9,00 Эрталабки гимнастика.

* * *

Уқув программалари

* * *

13.05 «Фақат мен биламан». Бадиий фильм. 14.30 «Шаҳарлар ва йиллар». Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Великие Луки», «Витебск». 15.05 Янгиликлар. 15.15 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Мардлик», 6-серия. 16.20 Қозон Давлат университети хор капелласи куйлайди.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 «Қишлоқ янгиликлари». 19.45 «Музикали киоск». 20.15 Реклама. 20.20 «Узоқ Шарқ» киножурнали. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». 21.15 Баянчилар К. Кобилинский ва О. Четвериковлар дуэти чалади. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Сомон йўлидаги учрашув». Бадиий фильм. 23.40 Янгиликлар.

⊙ ЎзТВ

15.00 «Инқилоб достонлари». Телефильм. 15.40 Болалар учун фильм. 16.45 Зоология. Балиқларнинг хилма-хиллиги. 17.15 «Сўз кетидан сўз келар». Телефильм. 17.30 Ўзбек совет адабиёти. А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романида ҳаётнинг реалистик тасвири. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Санъат олами». 19.30 «Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси». Республикада қуруқ меваларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш муаммолари ҳақида. 20.00 «Ахборот». (рус.). 20.20 Долзарб интервью: 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақсларим — орзуларим». Зулхумор Жабборова. 21.15 «Давр билан ҳамнафас». Телефильм. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Сиёсий ислоҳот йўлидан». 22.45 Экранимизда биринчи марта. «Турмушга чиқманг, қизлар». Кинокомедия. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Ўталмаган бурч». Бадиий фильм. 20.50 «Яшма». Телефильм. 21.00 «Тошкент областининг юқори пахта ҳосили учун». Коммунистик райони пахтакорлари ҳақида ҳикоя.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Театр — менинг уйим». Бадиий фильм (рус.).

3 ноябрь

Пайшанба

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 А. Зурабов. «Камо монологи». Телевизион фильм-спектакль. 1-серия. 10.15 «Дунё болалари нималар ҳақида куйлашяпти». Зелена Гура шаҳрида бўлиб ўтган болалар қўшиқлари фестивали. 11.15 Янгиликлар. 11.25 «Ҳайвонот оламида». 12.25 «Ашмарин созандалари». Кемероводан кўрсатилади.

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.10 «Қайта қуриш прожектори». 16.20 «Лазерга иш беринг». Ҳужжатли фильм премьераси (Куйбишев шаҳри). 16.40 «Музикали ҳазина». 17.15 «Тонгда рўй берди». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.30 XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 19.15 «Дунё воқеалари. 19.35 «Инсон ва қонун». 20.05 «Камо монологи». Телевизион фильм-спектакль. премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 1988 йил қўшиқлари. 24.00 «Дунё воқеалари».

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

* * *

Уқув программалари

* * *

13.05 «Сомон йўлидаги учрашув». Бадиий фильм. 14.30 «Катталар ва болалар». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 15.10 Янгиликлар. 15.20 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Мардлик», 7-серия. 16.25 А. Розенбаум куйлайди.

* * *

18.30 Янгиликлар. 18.40 «Кино ва томошабин». 19.40 «Вьетнам. Аждаҳо йили». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. Н. Труль (фортепьяно). 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Сирли маҳбус». Бадиий фильм. 23.45 Янгиликлар. 23.55 «Кечага таклифнома... Владимир Винокур».

⊙ ЎзТВ

15.00 «Эзгулик алифбеси». Телефильм. 15.20 «Она садоқати». Бадиий фильм. 16.45 Химия. Химиявий реакциялар-нинг турлари. 17.15 «Саломатлик портрети». Илмий-оммабоп фильм. 17.30 ЎзССР тарихи. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Пионерлар мамлакатида» (рус.). 19.00 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». Байрам дастурхонига. 19.30 «Партия турмуши». «Дарёлар тушган жойда». Балиқчи район партия комитети иш тажрибасидан. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Разлив». Ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20,50 «Чанг тароналари». 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Долзарб дамлар қадри». 22.35«Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қувноқлар ва зукколар». Фарғона областининг Тошлоқ ва Қува районлари командалари учрашадилар. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

⊙

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Бир қишлоқ эртаклари». Телефильм. 19.45 Реклама. 19.55 «Империянинг емирилиши». Бадиий фильм («Беларусьфильм»).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «ТВнинг матбуот маркази». Ҳисобот ва сайловлар давом этмоқда. Мойлисой, Тошкўмир ва Новукат шаҳарлари. 22.35 Ч. Айтматов. «Момо ер». М. Авезов номли Қозоқ Давлат драма театрининг спектакли.

4 ноябрь

Жума

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 А. Зурабов. «Камо монологи». Телевизион фильм-спектакль. 2-серия. 10.30 Бурятия Давлат «Байкал» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 11.15 Янгиликлар. 11.25 «Инсон ва қонун». 11.55 Ҳужжатли фильмлар: «Лесь Курбас. Келажак учун...», «Театр — менинг ишим».

* * *

16.00 Янгиликлар. 16.15 «Қайта қуриш прожектори». 16.25 «Рябинушка» вокал трио-си куйлайди. 16.40 Тарих саҳифалари. «Вопроси истории» журналининг редколлегияси аъзолари билан учрашув. 17.10 «Нега ва нима учун?». Болалар учун кўрсатув. 17.40 «Инсон. Ер. Коинот». 18.40 Иқтисодий билимлар асослари. «Агро» тележурнали 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Оқ уйга ким киради?». АҚШда сайловолди компанияси ҳақида. 20.05 «Камо монологи». Телевизион фильм-спектакль премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Аншлаг. Аншлаг!» (5-сони). 23.25 Фидойи шахслар. Бутуниттифоқ ёшлар телепрограммалари ва фильмлари фестивали ҳақида. 00.10 «Дунё воқеалари».

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Уқув программаси.

9.15 «Смольний. Ленин кабинети». Илмий-оммабоп фильм. 9,35, 10.35 А. С. Пушкин. «Шоҳ Султон ҳақида эртак». 4-синф. 10.05 Инглиз тили: 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Компьютер билан мулоқот. 11.50 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 12.20 Совет тасвирий санъати. П. Д. Корин.

* * *

13.05 «Сирли маҳбус». Бадиий фильм. 14.35 «Мангу сизнинг». Фильм-концерт. 15.30 Янгиликлар. 15.40 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Ҳаёт чизиғи» («Мосфильм»). 1-серия. 16.45 Ксения Георгиади куйлайди.

* * *

18.35 Янгиликлар. 18.45 «Совға». Мультфильм. 18.55 «Студиямизда». К. Дебюсси. Виолончель ва фортепьяно учун соната. 19.10 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Қашқирлар учун қопқон». Бадиий фильм («Тожикфильм»). 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Фигурали учиш. «Московские новости» газетаси соврини учун халқаро мусобақалар. Жўфт учиш. Эркин программа. Ленинграддан кўрсатилади 21.30 «Время». 22.05 «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Боровскда тонг». Телевизион ҳужжатли фкльм премьераси («Экран»). 22.30 Футбол. СССР чемпионати. «Локомотив» — «Днепр». «Локомотив» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади: «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Москва). Киевдан олиб кўрсатилади. 23.50 Янгиликлар. 24.00 «Телевизион музикали абонемент». Н. Бабкина раҳбарлигидаги «Русская песня» ансамбли билан учрашув.

⊙ ЎзТВ

15.00 «Ўрток Ленининг сўзи». Кинолениннома саҳифалари. 16.00 «Белое узра момақалдироқ». Бадиий фильм («Ленфильм»). 17.30 Физика. Оптик асбоблар. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Ўзбекистон мультипликаторлари — болаларга. «Қайсар қўёнча», «Чигирек», «Арава». 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иккинчи истеъдод». Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Чўлқувар» халқ ансамбли ҳақида телеочерк. 19.20 «Хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўлидан». Қўқон ёғ-мой комбинатининг иши ҳақида (такрор). 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 Долзарб интервью. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қалб наволари — сизга». Музикали программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Канадада Ўзбекистон кунлари». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 «Уч кун ва икки йил». Бадиий фильм («Ўзбектелефильм»). 20.30 Совет киноси усталари. «Мерос». СССР халқ артисти Р. Ҳамроев ижоди ҳақида.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 «Рақси зеборо бубин». Тожикистон ССР Давлат телерадиоси «Зебо» ансамблининг янги программаси. 23.05 «Зудов, сиз ишдан бўшадингиз!». Бадиий фильм.

5 ноябрь

Шанба

⊙ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 А. Зубаров. «Камо монологи». Телевизион фильм-спектакль. 3-серия. 10.30 Замондошимиз портрети. Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: «Директор Мочалиннинг келажаги». (Саратов), «Паҳлавонлар машғулотлари» (Иркутск). 11.10 Халқ куйлари. 11.25 «Бир томонга билет». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси (Одесса киностудияси). 11.55 Совет балети саҳифалари. 13.20 «Гюнтер Вальраф. Мени кутишмаётган ерда ҳозир бўлишга ошиқаман». Бадиий-публицистик кўрсатув. 14.15 Болалар учун фильм. «Айболит-66» («Мосфильм»). 15.20 «Дунё воқеалари». 16.10 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан кўрсатилади. 17.10 «Бутун ҳокимият Советларга!». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («ЛСДФ»). 17.40 «Қувонч —бу қўшиқ». Фильм-концерт. 18.30 «Экспромт». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.45 «Олтин бошоқлар». Мультфильм. 19.05 «Май тонги». Ҳужжатли фильм. 19.45 «Дадил қадам ташланг, ўртоқлар». Революцион қўшиқлар. 19.55 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 71 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ. Байрам концерти. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время». 24.00 «Нигоҳ». Тунги информационмузикали программа.

⊙ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Мультфильмлар: «Эртак бошланади», «Нима эксанг...». 9.50 «Қашқирлар учун қопқон». Бадиий фильм. 11.10 Р. Рождественский. «Икки юз ўн қадам». Поэма. Автор ўқийди. 12.05 «Муқаддима». Бадиий фильм («Мосфильм»). 13.40 Қадрдон ўтмиш. «Биз — буғулар юртиданмиз». Ҳужжатли фильм. 14.10 «Мерос». Телеальманах. 15.05 Янгиликлар. 15.15 Классик куйлардан концерт. 16.30 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Ҳаёт чизиғи». 2 ва 3-серия-лар. 18.40 Фигурали учиш. «Московские новости» газетаси соврини учун халқаро мусобақалар. Хотин-қизлар. Эркин программа. Ленинграддан кўрсатилади. 19.10 Фигурали учиш. «Московские новости» газетаси соврини учун халқаро мусобақалар. Эркин рақс. Ленинграддан кўрсатилади. 20.00 «Бекинмачоқ». Халқ ўйинларининг тикланиши ҳақида. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Халқ ижодиёти. Телевизион кўрсатув. Тугагач — «Время». 21.45 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Тошкин». Бадиий фильм («Беларусфильм») 1 ва 2-серия-лар. Танаффус пайтида (22.55) — Янгиликлар.

⊙ ЎзТВ

15.00 «Комиссарларнинг набиралари», «Анъаналарга содиқ». Телефильм. 16.15 Болалар учун фильм. «Мени топ, Лёня». 17.40 «Нур таратган соҳибалар». Кинокўрсатув. 18.50 «Ахборот» (рус.). 19.05 «Октябрни шарафлаймиз». Ўзбекистон Давлат телерадиоси хизмат кўрсатган хор коллективи ва халқ чолғу оркестри ижро этади. 19.35 «Ахборот». 19.50 Кинолавҳа. 19.55 Москва. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 71 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ. Байрам концерти. Кремль. Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.15 Москва. «Время». 22.00 «Нурхон авлодлар хотирасида». Музикали программа. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 «Қўшнилар», «Вера ва Анфиса ҳақида». Мультфильмлар. 16.25 «Хилватдаги отишма». Бадиий фильм (рус.). 17.50 СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақидаги Қонунлар лойиҳаларини муҳокама қиламиз. 18.20 «В. И. Ленин. Самара даври». Ҳужжатли фильм. 18.30 Оқин О. Болобалаев таваллудининг 100 йиллигига. «Токма акин осмонкул». 19.20 «Мезгил».

6 ноябрь

Якшанба

⊙ МТ I

8.30 Янгиликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.30 Мультфильмлар. 9.50 «Спортлото» тиражи. 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.00 «Музикали киоск». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Здоровье». 15.15 Киноафиша. 16.15 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Тўққизинчи ўғлондан қўрқ, душман» («Қозоқфильм»). 17.40 Жаҳоннинг йирик музейи». Лувр. 3-серия — «Грек Урта ер денгизи» (Франция). 18.10 «Халқаро панорама». 18.55 «Бор эканда, йўқ экан, Шишлов яшаган экан». Телевизион бадиий фильм премьераси (А. Довженко номли киностудия). 1 ва 2-сериялар. 21.30 «Время». 22.05 «Даврани кенгроқ олинг». Байрам томошаси. 01.20 Янгиликлар.

⊙ МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!

* * *

«Тафаккур» программаси

8.45 Студия намойиш этади... «Курантлар» (Ленинград). «Революция майдони». 9.35 Виктор Розов ва унинг қаҳрамонлари. 10.35 «Дин ва жамият». 11.05 «Хўжалик ҳисоби ва экология». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЛНФ»). 11.15 «Тараққиёт, ахборот, реклама». 12.00 «Саёҳатчилар клуби. Машҳур флотчилар Синявин, Лазарев ва Невельскийларнинг кашфиётлари ҳақида, улар белгилаган маршрутлар бўйлаб совет денгизчилари амалга оширган денгиз походлари ҳақида. 13.05 Уй академияси. 13.35 Рус маданияти ҳақида суҳбатлар. 1-туркум. — XVIII аср хотинқизлари. Кўрсатувни филология фанлари доктори, Тарту университетининг профессори Ю. М. Лотман олиб боради. (Эстония телевидениеси). 14.25 «Душман ичида дўст, дўст ичида душман». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 16.00 Латвия ССР Давлат филармонияси камер оркестрининг концерти. 16.40 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг» (22 октябрдаги кўрсатув такрорланади). 18.25 Фигурали учиш. «Московские новости» газетаси соврини учун халқаро мусобақалар. Эркаклар. Эркин программа. Ленинграддан кўрсатилади. 19.10 «Солдатлар куйлаганда». Афғонистон тупроғида туғилган қўшиқлар. Танаффус пайтида (20.20) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.30 «Время». 22.05 «Қизил ёй». Бадиий фильм («Ленфильм»). 23.35 Бадиий гимнастика. «Интервидение» кубоги. Болгариядан кўрсатилади.

⊙ ЎзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа.

* * *

10.00 «Оила даврасида». Кинопрограмма. 10.40 «Биргаликда куйлаймиз». Н. Норхўжаев, Б. Исроил. «Пахтакор қиз» (такрор). 11.05 Ҳужжатли кино экрани. «Октябрь байроғи остида». 12.05 «Дала, ҳовли юмушлари» (рус.). 12.35 Болалар учун театр. «Ёрилтош». Ҳамза номли Қўқон музикали драма театрининг спектакли. 13.55 «Спортивний Узбекистан». Ўзбекистон олимпиадачилари билан учрашув (рус.). 14.35 «Паролни икки киши билади». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 16.00 Крим татар куйларидан концерт.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари». 18.30 «Ленин ва Октябрь». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж. 19.00 «Мушоира этади давом». Ленин, партия ҳақида шеърлар. Кўрсатувни А. Орипов олиб боради. 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.20 «Ўзбекистон дея аталур». Манзарали фильм («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 Пахтакорлар учун музикали программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Экранимизда биринчи марта. «Оркестр билан катта кўча бўйлаб». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.30 «Шаҳар манзаралари». Тошкент ва тошкентликлар ҳақида телекўрсатув (рус.). 00.30 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Энг ширин қовун». Мультфильм. 18.15 Спорт программаси. Гимнастика бўйича Тожикистон ССР биринчилиги. 19.00 «Новости». 19.15 «Чашма». Халқ ижодиёти. 20.00 «Ахбор». 20.15 «Меҳргон» байрами. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Меҳргон» байрамининг давоми. 22.55 «Хурсандмиз, бахтлимиз, истеъдодлимиз». Бадиий фильм. (рус.).

Журналларнинг янги сонларида

«Мухбир» — «Корреспондент» журналининг навбатдаги ўнинчи сони босмадан чиқди. Бу сон «Ленин комсомоли — 70 ёшда» рубрикаси билан очилади. Бу рубрика остида В. И. Ленининг Россия Коммунистик ёшлар союзининг III Бутунроссия съездида сўзлаган нутқидан олинган цитата ва «Ёш ленинчи» газетасининг редактори Ж. Раззоқовнинг «Кураш ва сиғиш йўллари» сарлавҳали мақоласи ўрин олган. Бу сонда «Ҳаётга чуқур кириб борайлик» сарлавҳали бош мақола ҳам берилган.

«Қайта қуриш: ҳаракат қилиш даври» шапкаси остида «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетаси редакторининг ўринбосари Г. Люнинг «Ишонни тўғри мўлжалга олайлик», В. Загрядкийнинг «Ҳар бирининг севган мавзуси бор», «Совет Ўзбекистони» газетаси редакторининг ўринбосари Ж. Саъдуллаевнинг «Редакцияга раддия келди», А. Қаюмовнинг «Жамоатчилар — таянчимиз» сарлавҳали мақолалари ўрин олган.

Журналнинг ўтган сонида бошланган «Сизда ўзгаришлар бормн!» рубрикаси остидаги саволларга бу сонда «Наманганская правда» газетаси редакторининг ўринбосари И. Сизов жавоб берган.

**«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Узбекистана» журналининг бўлим мудири В. Поплавскийнинг «Проблеманинг моҳиятини оча бориб», Хива район «Коммунизмга» газетасининг масъул секретари А. Сафоевнинг «Ҳужжмкор, таъсирчан, ишончли